**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ ВА АРХЕОЛОГИЯ” КАФЕДРАСИ**

**Жовлиева Маҳлиё Холмўмин қизи**

**5120300- Тарих (мамалакатлар ва минтақалар) таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш учун**

## Бухоро амирлигида таълим тизими

## (XVIII-XX аср бошларидаги мадрасалар мисолида) мавзусидаги

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Бажарди**: “Тарих” таълим йўналиши битирувчи 4 курс талабаси Жовлиева М.

**Илмий раҳбар: ўқитувчи Д. Янгибоева**

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимоядан ўтди.
_______сонли баённомаси “ ____” ____________ 2016 йил

**Термиз 2016**

## МУНДАРИЖА

**Кириш.........................................................................................................3-10**

**I.БОБ. XIX-XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигининг илмий ва маданий муҳитида мактаб ва мадрасаларнинг ўрни.**

I.1. Амирликдаги ижтимоий-сиёсий муҳит.............................................11-24

I.2. XVIII -XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигининг илмий ва маданий муҳитида мактаб ва мадрасаларнинг ўрни................................25-31

**II. БОБ. Бухоро амирлигида таълим тизими (XVIII-XX аср бошларидаги мадрасалар мисолида.**

II.1. Бухоро амирлигида XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмида таълим тизими..........................................................................................................32-48.

II.2. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX аср бошларида таълим тизимидаги ислоҳотлар...................................................................................................49-58

**Хулоса.........................................................................................................59-61**

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати......................................62-72**

**Илова ...........................................................................................................72-85**

# КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги**. Мустақиллик шароитида мамлакатда аждодлар томонидан яратилган бой моддий ва маданий меросни чуқур ўрганиш, уни асраб-авайлаб келажак авлодларга етказиш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни миллий истиқлол ғояси атрофида мустаҳкам жипслаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу кенг қамровли вазифаларни ҳал этишда тарих фани етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон тарихини изчил ҳамда ҳаққоний тарзда ўрганиш юзасидан кўплаб саъй-ҳаракатлар, турли даражадаги илмий изланишлар ва тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов “Бугунги кунда тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқдаки, аждодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда ҳамда аҳлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланиб бормоқда”[1] – дея таъкидлайди.

Бугунги кунда тарихий мерос ва тарихий хотирани тиклаш масаласига асосий вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Чунки тарихий хотира туйғуси тўлақонли равишда тикланган халқ босиб ўтган йўл ўзининг барча муваффақияти ва зафарлари, йўқотиш ва қурбонлари, қувонч ва изтироблари билан холис ва ҳаққоний ўрганилган тақдирдагина чинакам тарих бўлади[1].

Ўрта Осиёда анъанавий таълим икки босқич қуйи бошланғич мактаб ва юқори мадраса босқичидан иборат эди. Ушбу тизим мактаблари давлат томонидан тўлиқ маблағ билан таъминланмаган, улар доимий равишда хусусий шахслар маблағи ва вақф мулклари ҳисобига яшаб келган.[2]

Бухоро манғитлар ҳукмронлиги даврида ҳам мусулмон Шарқининг йирик маданий маркази сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Бухоро

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 526.
[1] Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б. 97.
[2] Бобожонова Ф. Бухоро амирлигида XIX аср охири – XX аср бошларида анъанавий бошланғич мактаблар ҳолати./Ўзбекистон тарихи. №3. 2011 йил. 27-37 б.

амирлигининг маънавий, ҳамда илмий муҳитида мактаб ва мадрасалар алоҳида ўрин тутган.

Бошланғич таълим мактаблари мамлакатдаги барча йирик қишлоқларда, шаҳарларнинг ҳамма маҳалла-гузарларида мавжуд бўлиб, бу ерда болаларнинг дастлабки саводи чиқарилган.

XIX аср охири XX асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган бошланғич мактаблар ўз иш тартиби, ташкил этилиши ва молиявий-хўжалик таъминоти жиҳатидан ўтган асрлар анъанаси ва даражасини сақлаб қолган эди. Аммо XX асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган бошланғич мактаблар давр талабига жавоб бермай қўйди.

Олий таълим масканлари бўлмиш мадрасалар амирликдаги барча шаҳарларда мавжуд эди. Бухорода мадрасалар давлат бошқаруви, иш ва ҳужжат юритиш учун ҳам малакали кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин эгаллагани маълум. Бундан ташқари, мадрасада таълим олганлар амирликнинг илмий ва маданий ҳаётида ҳам муҳим рол ўйнаган. Мадрасани битирганлар амирликнинг юқори диний уламолари табақасига киришган.

Мадрасаларда талабалар Қуръонни, фиқҳ, шариат асосларини, диний-ахлоқий адабиётларни ҳамда тил, адабиёт, тарих, фалакиёт, мантиқ, фалсафа, шунингдек, ҳандаса ва бошқа бир қанча аниқ фанлардан таълим олишган. Лекин биз ўрганаётган даврда мадрасаларда диний-ахлоқий таълим беришга асосий эътибор қаратилиб, дунёвий таълим бериш бир қадар орқада қолган эди. Шу билан бир қаторда, амирликдаги мадрасаларни тугатиб бир қатор илмларни эгаллаган машҳур кишиларнинг яшаб ўтганлиги мадраса таълимининг ютуқларини ҳам кўрсатиб турибди. Ана шу таълим тизими орқали ўтмишимизни комплекс равишда ўрганиш тарих фанининг долзарб илмий йўналишларидан бирини ташкил этади.

Мавзу дорасида Бухоро давлатининг XIX-XX асрнинг бошларидаги ижтимоий ва сиёсий аҳволи ўрганилиб, унинг доирасида амирликнинг илмий ва маданий муҳитида мактаб ва мадраса таълимининг ўрни, Чор ҳукумати

истилосидан сўнг таълим тизимидаги ислоҳотлар ҳар томонлама ўрганилади. Бу эса тарих фанининг истиқболли илмий мавзуларидан бири эканига далолатдир.

Маълумки, мадрасалар VII-VIII асрларда ислом дини уламолари мусулмон илоҳиёти масалаларини шарҳлаб бериб турадиган марказ сифатида араб давлатларида пайдо бўлган. IX – XIII асрларда ислом динига эътиқод қиладиган мамлакатларда, жумладан, Ўрта Осиёнинг мусулмон давлатларида ҳам кенг тарқалган.

Ўрта Осиёдаги дастлабки мадрасалардан бири Абу Бакр Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида ёзилишича 937 йилда ёнғиндан зарар кўрган "Форжак" мадрасаси ҳисобланади.

XIX аср бошларида, манбаларга кўра, фақат Бухоро шаҳрининг ўзида вақф ерларидан келадиган даромад ҳисобига фаолият кўрсатадиган 108 та мадраса бўлиб, уларнинг 60 таси асосий таълим масканлари ҳисобланган.

Рус мустамлакачиларини Ўрта Осиёдаги кенг тармоқли халқ маориф ўчоқлари: мактаблар ва мадрасалар ғоят ажаблантирган эди. Истилочилар уларнинг фаолияти билан танишиб, мустамлакачилик тадрижи учун ўша мактаб ва мадрасаларнинг ғоятда хавфли эканлигини пайқадилар.[3]

**Мавзунинг ўрганилиши.** Бухоронинг XIX аср бошидаги сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётига оид фикр-мулоҳазалар ва хулосалар Н.Ханиковнинг "Описание Бухарского ханство" асарида келтирилган. Унга кўра 103 та мадрасалар вақф мулкига эга бўлиб, етакчи мадрасалар сифатида 60 тасини номма ном келтирибгина қолмай, нечта хонадан иборат эканлиги, мударрис ва талабаларнинг оладиган маоши ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.[4]

Бухоро маърифатпарварларидан бўлмиш Муҳаммад Шарифжон Зиё Садр (1867-1932йй) ўзининг "Зикри асомии мадориси дохилаи Бухорои шариф" асарида Бухорода мавжуд бўлган 204 нафар мадраса ҳақида

---

[3] Бендриков К.Е. Очерки по истории народного образования в Туркестане (1865-1924). Москва, 1960. 67-70 бетлар.
[4]ХаниковН. Описание Бухарскаго ханства. –СПб: Императорской Академии Наукь, 1843. 85-88 бетлар

маълумотлар беради.Муаллиф ушбу асарларида X асрдан то XX аср бошига қадар қурилган мадраса ва масжидлар ҳақида ажойиб маълумотлар беради. Зотан бу асар рисола тарзида эмас, балки мундарижа тарзида ёзилган бўлиб, беш хонали жадвалдан иборат. Садри Зиё нафақат мадрасалар сони ва номини келтиради, балки уларнинг қайси маҳаллада жойлашганлиги ва нечта ҳужрадан иборат эканлигини ҳам қайд этиб ўтади.[5]

Бухоро зиёлиси Абдурауф Фитрат ҳам ўзининг асарлари ва мақолаларида Бухоронинг илмий ва адабий муҳити ҳақида тўхталиб ўтади.[6] Фитрат 1913 йилга келиб Бухорода қарийб 200 та олий, ўрта ва қуйи бўғиндаги мадраса борлигини қайд этиб, 72 мадрасанинг номини келтириб ўтади.[7]

Бухоро тарихнавислик мактабининг намояндаларидан бири Муҳаммад Саид Балжувонийнинг "Тарихи Нофеий" (Фойдали тарих) асарида ҳам Бухоронинг ижтимоий, сиёсий ва илмий-маданий муҳитига оид қимматли маълумотлар келтирилади.[8]

Бухоро амирлигида мактаб ва мадрасаларнинг фаолияти хусусида Садриддин Айний "Бухоро мадрасаларининг бинолари", "Бухоро мадрасалари ҳужраларининг хусусий мулкка айланиш тарихи", "Бухоро мадрасаларида талабаларнинг жойланиши ва мударрислар билан муносабатлари", "Бухоро мадрасаларида таҳсил йили ва дарс кунлари", "Букхоро мадрасаларининг дарс программаси ва ўқув китоблари", "Бухоро мадрасаларидаги талабаларнинг устозлари билан моддий муносабатлари" каби сарлавҳалар остида 1917 йилгача бўлган таассуротларини илмий-бадиий

---

[5] Муҳаммад Шариф ибни Абдушукур Садри Зиё. Мадрасахо-йи шаҳри Бухоро. //Қўлёзма. ЎзФА ШИ, №-2493;Садри Зиёнинг бу маълумотлари «Тарихи Нофеи» китобининг изохларида берилган. Қаранг: Муҳаммад Саййид Балжувани. Тарихи Нофеи.-Тошкент:Академия,2000.с.112-114

[6] Фитрат Абдурауф. Ҳиндистонга бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси. Ҳақиқат фикрлар алмашинувининг оқибатидир. 1-нашри. –Истанбул:Исломия матбааси. Ҳикмат 1327 (форс-тожик тилида); Яна қаранг: ўша муаллиф. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Ҳамидулла Болтабоев. –Тошкент:Маънавият, 2000; Ўша муаллиф. Раҳбари нажот (Нажот йўли). Тожик тилидан таржима ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов ва Т.Музаффарзода. –Тошкент: Маънавият, 2001; Ўша муаллиф. Оила ёки Оила бошқариш тартиби. Тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Ш.Воҳидов. –Тошкент: Маънавият, 2001.

[7]Абдурауф Фитрат. Баёноти сайёҳи ҳинди. ||Садои Шарқ. 1988. №6. 23 б.

[8] Муҳаммад Саид Балжувоний. Тарихи Нофеи. Таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов ва З.Чориевлар. -Тошкент:Академия,2000

умумлаштириб, ўзининг “Эсдаликлар”[9]ида баён этади. Садри Зиёнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бизга батафсилроқ маълумот берган адиблардан, унинг шогирди Садриддин Айнийдир. Садриддин Айний ўзининг «Тарихи амирони манғитияи Бухоро»[10] номли асарида Бухоро амирлари Абдулаҳад (1885-1910) ва Олимхон (1910-1920) даврида давлат бошқаруви ва маъмурий ишларда олиб борилган ислоҳотларни ёритган.

Бухоронинг XIX аср бошидаги сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаётига оид фикр-мулоҳазалар ва хулосалар В. В. Бартольд, А. Семенов, С. Айний, Ф. Хўжаев, А. Ҳамроев, А. Муҳаммаджонов, Т. Неъматов, О. Сухарева, Б. Искандаров, Л. Шек, А. Мажлисов, Н. Кисляков, А. Эшонов, Н. Халфин, Х. Бекмуҳаммедов, А. Бобохўжаев, А. Фомченко, Б. Ғафуров, Б. Лунин, Т. Тўхтаметов, А. Рябинский, Т. Файзиев, О. Чехович, К. Муҳсинова, Л. Левтеева, Г. Аҳмаджонов, М. Вексельман, Г. Михалева, Ф. Қосимов, Ҳ. Зиёев, К. Ҳакимова[11], Л. Муҳаммаджонова[12] ва Р. Қиличевнинг тадқиқотида[13] ва бошқаларнинг асарларида учрайди.

Ҳ. Зиёев, А. Аҳмаджонов, К. Ҳакимова, Ф. Қосимов, Ш. Воҳидов, Қ. Ражабов, Ф. Очилдиев, М. Ҳамидова, А. Одилов, Р. Холиқова, Ю. Шукуриллаев ва бошқа муаллифларнинг илмий тадқиқотлари мустақиллик даврида яратилган бўлиб, бу асарлар ва мақолаларда XИX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги тарихи хусусида умумий фикрлар ёритилган.

Р. Холиқованинг монографияси ва айрим мақолаларида[14] тадқиқ қилинаётган мавзуга оид фикр ва мулоҳазалар учрайди.

---

[9] Садриддин Айний. Куллиёт. Ж-5. –Душанбе: Ирфон, 1981.

[10] Садриддин Айний. Таърихи амирони манғитияи Бухоро. – Тошкент:Туркистон давлат нашриётининг биринчи намуна мусулмон матбааси., 1923. – Б. 107, 131, 134, 136.

[11] Ҳакимова К. З. Крестьянство Бухарского эмирата в конце XИX- начале XX в. – Ташкент: Фан. 1991.

[12] Муҳаммаджонова Л. XX асрнинг бошларида Бухорода ижтимоий - сиёсий вазият ва демократик ҳаракатлар ривожланиши (1908-1920). Тарих фан. ном. дисс. … – Тошкент, 2000.

[13] Қиличев Р. Э. XИX асрнинг ИИ ярми XX аср бошларида Бухоро шаҳрида ҳунармандчилик. Тарих фан. ном. дисс. …– Тошкент, 1996.

[14] Холиқова Р. Россия-Бухоро: тарих чорраҳасида. – Тошкент: Ўқитувчи, 2005. – 236 б; Холиқова Р. XИX асрда Бухоро амирлиги // Жамият ва бошқарув, 2000. – № 3; Шу муаллиф. Амирликдаги амаллар ва унвонлар // Фан ва турмуш. 2000. – № 4; Шу муаллиф. Бухоро ҳукмдорлари. Автобиографик очерк (XИX-XX аср бошлари) // Жамият ва бошқарув, 2004. – № 2; Шу муаллиф. Марказий давлат бошқаруви тарихига бир назар // Мулоқот. 2004. – № 1; Шу муаллиф. Вассал Бухоро амирлигининг маъмурий-сиёсий тузилиши //

**Ишнинг мақсад ва вазифалари**. Битирув малакавий ишда бугунги кунда долзарб бўлган «Бухоро амирлигида таълим тизими (XVIII – XX аср бошларидаги мадрасалар мисолида)”мавзу тадқиқ этилар экан, унда мактаб ва мадрасалар халқимизнинг маданияти ва маънавиятидаги улкан бир қадрият сифатида баҳо берилади. Бой илмий ва маданий меросига эга бўлган халқ илмга бўлган ҳурмат ва анъаналарини юксалтириб, бугунги кунларда ҳам жаҳон халқлари орасида илм-фан бобида юқори бўлган даражани эгалаётир. Танланган мавзу доирасида ишда XVIII-XX асрнинг бошларида амирликда мактаб ва мадраса таълими тадқиқ этилиб, унда

- Амирликдаги ижтимоий-сиёсий муҳит;

- Бухоро амирлигининг илмий ва маънавий ҳаётида мактаб ва мадрасаларнинг ўрни;

- Бухоро амирлигида таълим тизими;

-XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида таълим тизимидаги ислоҳотлар каби масалалар ўрганилади ва тегишли хулоса, фикр ва мулоҳазалар берилади.

**Тадқиқотнинг даврий чегараси**. Битирув малакавий ишнинг даврий чегараси XVIII аср - XX асрнинг бошларини қамраб олган. Ушбу даврда Бухоро амирлигида манғитлар сулоласига мансуб шахслар ҳукмронлик қилганлар. Амирликнинг баъзи ҳудудлари Россия империяси томонидан босиб олиниб, ўзи унинг тобелигига ўтгандан сўнг бу ҳудуднинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётида катта ўзгаришлар амалга оширилди. Битирув малакавий ишда айнан шу даврдаги мавзуга доир ўзгаришлар таҳлил этилади.

**Ишнинг назарий ва методологик асослари**. Ишнинг етакчи илмий концепцияси муаммога цивилизацион ёндашув эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мустақил Ўзбекистон Республикаси миллий истиқлол мафкурасининг устувор мақсад ва вазифалари ғоявий асос қилиб олинди. Бу янги илмий

---

Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. – Тошкент, 2001. – Б. 206-208; Шу муаллиф. ХИХ аср охири ва XX аср бошларида Бухоро амирлиги // Жайҳун, ТерДУ хабарлари, 2005. – № 1. – Б. 32-37; Шу муаллиф. Вассал Бухоро амирлигида маҳаллий бошқарув // Тарих, мустақиллик, миллий ғоя. Тошкент, 2001. – Б. 209-210.

концепция халқнинг миллий қадриятлари, урф-одати ва турмуш тарзини, тўпланган билимлари ва ҳаётий фалсафаси билан уни бойитиб, ўрганилаётган муаммонинг барча қирраларини янгича баҳолаш мезони асосида ишлаб чиқиш имконини беради.

Ишда ўрганилаётган муаммони тўғри ҳал этишда илмийлик, билишнинг холислик, тарихийлик, қиёсий ва танқидий ўрганиш, тизимлилик тамойилларига амал қилинди. Тадқиқотнинг методологик асосини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг асарлари, маъруза ва нутқларида илгари сурилган услубий, илмий-назарий кўрсатмалари муҳим роль ўйнади.

**Ишнинг манбалари**. Ишнинг манбалар доираси жуда кенг бўлиб, уни маҳаллий тарихчилар асарлари (асосан тожик тилида), тазкира ва эсдаликлар ташкил этди. Шу билан бирга, ҳозирги кунда адабиёт, фалсафа, тарих, маданиятшунослик соҳасида ишлаётган олимларнинг ушбу мавзуга доир маълумотларига мурожаат қилинади. Уларнинг барчаси ишнинг «Фойдаланган манба ва адабиётлар рўйхати» қисмида берилган.

**Ишнинг илмий янгилиги**. Бухоро амирлигида XVIII аср - XX асрнинг бошларида таълим тизими (мактаб ва мадрасалар мисолида) мавзуи биринчи марта алоҳида илмий мавзу сифатида таҳқиқ этилади. Мавзу доирасида на фақат маҳаллий ёзма манбалар, балки Бухородаги таълим тизимига доир барча маълумотлар ўрганилди. Тадқиқот натижасида XVIII - XX аср бошларида фаолият юритган мактаб ва мадрасаларнинг сони, уларга вақф қилинган мулклар ҳақидаги маълумотлар, XX аср бошларидаги таълим тизимидаги ўзгаришлар аниқланди.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти**. Тадқиқ этилган мавзу натижалари ва хулосалари ўрта умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб ҳунар коллежларининг ўқувчиларига таълим беришда муҳим қўлланма ҳисобланади. Иккинчидан, миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш жараёнида ёшларни тарих билан қуроллантириш,

маънавий етук инсон бўлиб шакллантиришда  Битирув малакавий иш маълумотлари муҳим саналади.

**Ишнинг таркибий тузилиши:** Битирув малакавий иши кириш, икки боб, тўрт банд, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловадан иборат. Битирув малакавий ишнинг умумий ҳажми … бетни ташкил этади.

# I.БОБ. XIX-XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигининг илмий ва маданий муҳитида мактаб ва мадрасаларнинг ўрни.

## I.1.Амирликдаги ижтимоий-сиёсий муҳит

Бухоро давлатида XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб манғит сулоласининг намояндалари ҳукмронлик қилган. Бухоро амирлиги манғитлар даври тарихи турли маҳаллий манбалар ва илмий адабиётда ёритилган. Жумладан, Мирзо Олим махдум ҳожи ўзининг «Тарихи Туркистон» номли асарида манғитлар сулоласининг намояндаларини тахт устига келишларини шундай баён қилади: «Абу-л-Файзхондин кейин салотини чингизия насли мунаққит бўлуб, манғит тоифасидин Абу-л-музаффар Раҳимхон ибн Ҳакимбий ибн Худоёр ибн Худойқули подшоҳ бўлуб, Шаҳрисабз, Ҳисори Шодмон, Кўлоб, Хўжанд ва Тошканд  тасаррufидин чиқди. Вазири эронлик Давлат *қўшбеги* бўлуб, мамлакат тамоми ҳалли укди анинг яди тасарруфида эди.

Бу сулоланинг асосчиси Раҳимбий ибни Ҳакимбий аталиқ ибни Худоёрхон ибн Худойқули бий ибн Келдиёр ибн Човуш бўлади[15]. Садри Зиё Човушни «манғитийа элотийаси ичида молдор ва соҳиб эътибор киши эди ва Абдуллоҳхон билан замондош бўлган», деб айтади. Раҳим бий Абу-л-Файз аштархоний ўлимидан сўнг унинг ўғиллари Абдуллоҳ ва Абд ул-Мўминга оталиқ қилади (1747 й.). Муҳаммад Раҳимхон марказий ҳукуматни кучайтириш учун турли йўллар билан аввал кўчманчи қабилалар қаршилигини енгди. Жумладан, у Тағой Мурод бий *бурқут*, Ғайбуллоҳ бий *баҳрин* қаршиликларни бартараф этди. Бироқ Жаҳонгир бий *сарой* Хузорий, Олим бий *кенагас* Шаҳрисабзий, Муҳаммад-Амин *юз* Ҳисорий ва Шер Али – Шеробод ҳокими биргаликда Раҳимхонга қарши ҳаракатларни бошладилар[16].

[15] Муҳаммад-Шарифжон Садр-и Зиё. Силсилайи салотини манғитийа. Мажмуа. // Қўлёзма, ЎзП ФА ШИ. – № 2193. 188[б] вар.
[16] Ўша жойда. 189[а] вар.

Раҳимхон ўн йил давомида уларга қарши урушлар олиб бориб, Самарқанд, Хўжанд, Ургут, Панжикентни Бухоро итоатига киргизди. Сўнгра Хоразмни ҳам ўзига тобеъ этди.

1756 йили Абд ал-Мўминхон вафоти (тўғриси ўлдирилган) дан кейин сайидлар, хўжалар ва руҳонийлар тарафидан Раҳимхон Бухорода хон қилиб кўтарилган бўлса ҳам, у ўзини **"ноиб ул-ҳукумат"** - ҳоким ўринбосари деб билган. Раҳимбий Абу-л-Файзхоннинг қизига уйланган эди. 1172 хижрий йили 14 ражабда (1758 й.) Раҳим бий 45 ёшлигида вафот этгандан сўнг[17] ўрнига амакиси Дониёл оталиқ ҳукуматни қўлга олади. У хонликка даъво қилмай аввал Фозил тўра ибн Норбўта бийни (Раҳимхоннинг қизидан невараси), кейин Абу-л-Ғозий (1758-1784 йй)ни хон қилиб ўзини уларга *ноиб* деб эълон қилган. Дониёлнинг ҳукмронлиги бошларида унга ҳам Тағой Мурод бий *бурқут*, Нурота ҳокими ва Хузор вилоятининг ҳокими Жаҳонгир бий қаршилик қила бошладилар. Миёнкол, Ҳисор, Бойсун, Шаҳрисабз, Шеробод аҳолиси ҳам Бухоро итоатидан чиқди. Хўжанд ҳокими Фозил бий *юз* Жиззахни босиб олиб, Самарқандни ҳам қамал қилиб Дониёлнинг акаси Барот *қўшбеги*ни аҳли аёли билан асирга олди. Фозил бий Миёнколга келганда *хитой-қипчоқ*лар ҳам унинг қўл остига ўтдилар. Каттақўрғон, Панжшанбе, Хатирчи ҳам Фозил бий ҳукуматини тан оладилар. Дониёл лашкари билан Фозил бий қўшинини Карманада тор - мор этгандан кейингина Фозил бий Дониёлнинг ҳукмронлигини тан олди. Фозил бий яқинлари билан Қаршига сургун этилади. Дониёл «Абу-л-ғозий хон деган Жужий авлодидан бўлмиш бир кимсани салтанат тахтига ўтирғизиб, сикка ва хутбани унинг номига қилиб, ўзини унга ноиб этди», - деб ёзилган манбада[18]. Дониёл умрининг охиригача маҳаллий ҳокимларнинг сепаратчилик ҳаракатларни бостириш учун курашлар олиб борди. У 27 йил Бухоро тахтида ҳукмронлик қилиб, 75 йил умр кўрган. Унинг катта ўғли Шоҳмурод (Дониёл

[17] Муҳаммад Шарифжон Садр-и Зиё унинг вафотини 1172, пайшанба куни, 15 ражаб деб беради. Қаранг: Муҳаммад Шарифжон Садр-и Зиё. Баёни аҳволи салотини ўзбакия. // Қўлёзма. Ўз ФА ШИ. № 2193/III. 60б.
[18] Муҳаммад-Шарифжон Садр-и Зиё. Силсилайи салотини манғитийа. Мажмуа. // Қўлёзма, ЎзП ФА ШИ. – № 2193.189$^{б}$ вар.

бийни ўн иккита фарзанди бўлган) 1785 йили Бухорода «амир (ул-мўминин)» унвони билан тахтга кўтарилди. Садр-и Зиё ва Аҳмад Донишлар амир Шоҳ Муродга нисбатан ўз хайрхоҳликларини асарларида билдирганлар. Улар амир Дониёл давридаги инқироздан чиқишда амир Шоҳ Мурод хизматини юқори баҳолайдилар. «Амир Дониёл ҳукумати даврида миллат ишлари ва давлат қонунларига анча фоҳиш ишлар содир бўлди. Мадраса ва масжидлар илм олиш ва намоз ўқишга маътал бўлиб қолди. Дарсхоналар сомонхоналарга айланди. Бунинг сабаби шу эдики ўзбек эли давлат ишларига йўл топиб, салтанатни забт эта бошладилар. Бева аёллар чироғидан шуъла, халқ омборхонасидан ғаллани тортиб олиб, ўз қоринлари ва маишатларига сарф этардилар. Фисқ ва фасод бозори авжда, хамр ва қимор иши ривожланиб кетди. Биров бир нима дейишга илож топмасди. Фуқаро ва раёсат хирож, аминона ва бошқа солиғу олиқлардан азобда эди…»[19]. Ана шу вазиятда зуҳд ва фақрга берилган, адолатни ўзига шиор этган Шоҳ Мурод тахт устига келади. У амакисининг хотини Абу-л-Файзхоннинг қизига уйланиб насабини ҳам чингизийларга боғлади ва ҳар жиҳатдан ҳукмронлиги қонунийлигини таъминлади. Унинг тахтга келиши ва ҳукмронлиги тўғрисида манбаларда қуйидагича келтиради:

Амир Шоҳмурод вафотидан кейин амир Ҳайдар, амир Ҳусайин, амир Умар, амир Насруллоҳ, амир Музаффар, амир Абдулаҳад, амир Олимхон Бухоро амирлигида ҳукмронлик қилганлар. Охирги амир Олимхон 1920 йили сентябрида тахтдан туширилди ва у 1944 йили 29 апреллда оламдан ўтади. Қабри Қобул шаҳрининг "Шуҳадойи солиҳин" қабристонидадир[20].

Бухоро амирлигининг ижтимоий-сиёсий муҳитига доир кўплаб манбалар ҳанузгача илмий муомалага киритилмаган, тадқиқотлар жараёнига Бухоро тарихчилари мактабининг асарлари, жумладан, қози Ҳомид Бақохўжа ўғли, Мир Муҳаммад Сиддиқ ибни амир Музаффар «Ҳашмат», Муҳаммад

---

[19] Муҳаммад-Шарифжон Садр-и Зиё. Силсилайи салотини манғитийа. Мажмуа.// Қўлёзма, ЎзП ФА ШИ. – № 2193. 189б вар.

[20] Хотираҳои Амир Олимхон. (Амир Олимхон хотиралари). - Душанбе: Адиб. 1992. – Б.3.

Шариф ибни қози Абдушукур қози калон Садри Зиёларнинг муҳим ва тарихий маълумотларга бой бўлган асарлари тадқиқотларга жалб этилмаган. Айниқса Бухоронинг охирги қозикалони Садри Зиёнинг(1867-1932) ва Ҳашматнинг илмий-адабий мерослари бизни қизиқтираётган масалаларни ечишга яқиндан ёрдам беради. Садри Зиё томонидан ёзилган асарлардан «Зикри салатанати подшоҳони манғит дар Мавороуннаҳр» (Мавороуннаҳрда ҳукм сурган манғит подшоларининг зикри), «Рўзнома» (Кундалик), «Фиҳрист» нинг маълумотлар чегаралари ва имкониятлари кенгдир[21].

Асримизнинг 80-йилларида Муҳаммад Али ибни Муҳаммад Сайид Балжувоний қаламига мансуб "Тарихи нофеи" (Фойдали тарих) номли асари топилганини олимлар таъкидлайдилар[22].

Бу манба Тожикистон ФА академиги Аҳрор Мухторов сайъи-ҳаракати билан 1994 йили араб имлосида нашр этилган[23].

"Тарихи нофеи" Бухоро амирлиги тарихига оид муҳим манба бўлиб, унда манғитлар сулоласи даврида Бухоро мамлакатининг бошқарув тартиби, маъмурий тизими, ички низоми, амал ва мансабларнинг жорий этилиши ва бошқа масалалар кенг ёритилган[24].

Бухоро давлатида XIX-XX асрнинг бошларидаги давлат бошқарув тизими, маъмурий бўлиниши, унвон, мансаблар ва эгаларининг вазифаларини тадқиқ этиш ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Юқорида тилга олинган манбалар асосида шу масалаларни имкон қадар ёритиш мумкиндир.

Бухоро мамлакати 28 вилоят (боғот)га бўлинар эди. Бухоро амири қўшбегисининг девони архивида сақланаётган маълумотлар асосида

---

[21] Садри Зиё меросини Ўзбекистонда ўрганиш яқин йилларда бошланди. Қар.: Воъидов Шодмон, Эркинов Афтондил. Ле фиърист (саталогуе) де ла библиотъе`ыуе де Садр-И Зия : уне имаге де ла вие интеллестуелле данс ле Мавараннаър ифин ХИХ  - де`бут XX сие`слес) // Саъие д` Асие Сентрале. № 7, 1999, – П.141-173; Вахидов Ш., Чориев З. Садр-и Зия и его библиотека. Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века. Серия «Книги, библиотеки, каталоги». Т.: Янги аср авлоди, 2007. – 352 с.

[22] Воҳидов Ш. "Тарих-и нофеи" Бухоро амирлиги тарихига оид муҳим манба. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. №№ 9-10-11; Яна қар.;Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеии. (Тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, З.Чориев)-Тошкент: Академия, 2001. – 94б.

[23] Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Сайид Балжувони. «Тарих-и нофеи». – Душанбе, 1994. – 120 бет.

[24] Воҳидов Ш. "Тарих-и нофеи" Бухоро амирлиги тарихига оид муҳим манба. //Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1997. №№ 9-10-11.

амирликнинг қуйидаги вилоятлари(1914-1916 йиллар маълумотлари асосида)ни аниқлаш мумкин. Булар Бойсун, Балжувон, Бурдалик, Дарвоз, Деҳнав, Зиёуддин, Яккабоғ, Қубодиён, Қоратегин, Карки, Кармина, Қарши, Келиф, Китоб, Кўлоб, Қурғонтепа, Нурота, Сари жўй, Усти, Хатирчи, Ҳисор, Хузор, Чоржўй, Чироғчи, Шаҳрисабз, Шеробод, Шуғнон ҳамда Зарафшон юқори қисмидаги бекликлар[25].

1800 йили Бухоро тахтига Амир Ҳайдар ўтиради. Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даври ҳам ички ва ташқи курашлар билан ўтади. Унга Қарши мамлакат ичида қўзғолонлар авж олди. Миёнқол, Марв, Каттақўрғон, Шаҳрисабз, Ҳисор ҳудудларида қўзғолонлар кучайди. 1804 йил Амир Ҳайдар Ўратепага юриш қилади, уни забт этиб Қобилбек ибн Ўткир сўфийни у ерда ноиб қилиб қолдиради. Шу йили Мир Аловуддинни Москвага элчи сифатида юборади.

1806 йили Хива хони Элтузар қўшинлари Бухорога бостириб келади. Аммо Амир Хайдар уларнинг ҳужумини бартараф этиб, ғалабага эришади. Бу воқеалар ҳақида манбаларда «Элтузархон ўзи ва аҳли байтидин Ҳасанмуродбек ва Жонмуродбеклар талаф бўлуб, улуғ бародари Қутлуғмуродбек ила бошқа саркардалар асир бўлди. Оларни бир ҳафта тўхтатиб, қасами муғолаза илан Қутлуғмуродни *иноқ* ва волийи Хоразм қилиб юборилди. Аммо аҳли Хоразм анга рози бўлмай, Муҳаммад-Раҳимхонни хон қилдилар»,- деб таъкидланади. Амир Ҳайдар ҳукмронлигининг охирларида Хива хони Муҳаммад-Раҳимхон ва Шаҳрисабз ҳокими ва Хитой қипчоқ тоифалари амир Ҳайдар муқобилиға ёв бўлуб бир неча маротаба муҳорабалар бўлуб, охири уларнинг ҳужумлари бартараф қилинганидан сўнг, кўп ўтмай, 1242 санада ўн учунчи рабби ул-аввалида, чаҳоршанба куни [16 октябрь, 1826] вафот қилди.

Ундан кейин Амир Насруллоҳ Баҳодурхон Бухоро тахтига ўтирди. Садр-и Зиёнинг таъкидлашича «Амир Насруллоҳ Бухороға подшоҳ

---

[25] Қар.:Населенные пункты Бухарского эмирата. Конец XIX- нач. XX вв. //Материалы к исторической географии Средней Азии- Ташкент: Университет. 1999. С 11)

бўлгандин[26] кейин бародар ва ақорибларини тамом маҳв ва нобуд қилди. Забир ва Жаҳонгир тўраларнинг волидалари Жўйборий хўжалардин эди. Уларни Чоржўй тарафиға юбориб, иъдом қилди. Акобири давлатлардин Ҳаким *қўшбеги* ва Исматуллоҳбек ва Аёзбекға ўхшаш бир неча улуғ мартабадаги одамларни қатл ва амволларини ғорат қилди»[27].

1252/1836-37 санада Қўқон хони Муҳаммад Алихон билан унинг ўртасида Пешоғар қалъаси таъмири хусусида мунозаат бўлади. Ўша вақтда Эрон асирларидан тузилган, бир неча юз аскар Бухорода тўпланган бўлиб, Бу даврда Бухородан бошқа мавзеларда кучли аскар бўлмаган. Пешоғар қалъаси мунозири ва ҳам бошқа баъзи сабабларга кўра амир Насруллоҳ Баҳодирхон қўшун жамлаб, Фарғона ўлкасига юриш қилиб, низомий аскарлари ёрдамида осонлик билан Пешоғарни истило қилиб, ундан Ўратепа ва Хўжанд шаҳарларига сўнгра Қўқон устига юриш қилади. Муҳаммад Алихон ва бародари Султон Махмудхонни ва волидаси-ю аҳли аёли, атбоъ ва аркони давлат ва аъёни мамлакатини тамом қатл қилиб, Фарғона шаҳарларининг кўпини талон-торож қилиб, кўзга кўринган хазина ва дафина, сипоҳларининг аслаҳаларидан тўпу-тўпхонасини ва Фарғона уламо ва машойихларидан Бухорога юбориб, Қўқонда ўн кун туруб, Самарқанд волийси Иброҳим *парвоначи*ни Қўқондга волийи мухтор, ҳаттоки, «ҳукми ба қатл»гача изну ихтиёр бериб, мазкур йилнинг рабби ИИ ойида амир Насруллоҳ Бухорога қайтди. Иброҳим *парвоначи* ҳам Қўқон аҳолиларидин аксар кўзга кўринганларини қатл этади.

Амир Насруллоҳхон даврида бир тарафдин Россия ва инглизлар Ўрта Осиёга кўз тикиб, бир-бирларидин махфий тарзда Бухоро билан муносабатларини йўлга қўйишга ҳаракат қилади. Русларнинг аста-секин Оренбург ва Сибир тарафлардн ҳаракат қилиб келганини кўрган инглизлар билиб, Ўрта Осиёдаги хонларнинг «кўзларини очиш»га ҳаракат қилдилар.

---

[26] Садри Зиё бу жулус тарихини пайшанба куни, рамазон ойи, 1242/ 29 март, 1827 йили деб беради. Қаранг: Муҳаммад Шарифжон Садри Зиё. Мажмуа. // Қўлёзма, Абу Райҳон Беруний нмидаги Шарқшунослик институти, № 2193. 198[а].

[27] Муҳаммад Шарифжон Садри Зиё. Мажмуа. // Қўлёзма, Абу Райҳон Беруний нмидаги Шарқшунослик институти, № 2193. 198[а]

Инглизларнинг бу ниятлари Ўрта Осиё халқига дўстлик руҳида бўлмай, Россиянинг Эрон ва Афғон ҳудудларига яқинлашиб келишларини хоҳламаганлигидан эди. Бу даврда Бухоро - Қўқонд муҳобараси бошланди. Бухородан амир Насруллоҳхон ва Музаффаридинхон, Фарғонадин Муҳаммад Алихон ва Худоёрхонлар бир-бирлари билан манманликка бориб ва жанг ғавғоси кўтарилган вақтларида Россия Туркистон, Авлиё ота, Чимкент, ҳаттоки Тошкентгача етиб келган эдилар. Хонлар ўртасида низолар чиқиб турган бир вақтда инглиз ҳукумати дўстлик алоқаларини тикламоқ мақсадида элчи сифатида полковник Стоддорт ва Қўқон билан Хивага майор Коннулини юборган эди. Амир Насруллохон инглиз элчисини ҳибсга олади, Рус элчисини Россияга қайтариб юборади. Бухорога келган инглиз элчиси орқасидан яна капитан Коннули аввал Хивага бориб, ундан яширинча йўллар билан Қўқонга келиб, Муҳаммад Алихон билан учрашади.

Амир Насруллох томонидан йўл қўйилган хатолик орадан 25 йил ўтиб унинг ўғли Музаффариддин бошига оғир кулфатларн келтирди. Руслар истилоси арафасида ҳам Бухоро Қўқон ўртасидаги можаролар давом этди. Тошкент ва Самарканднинг руслар томонидан забт этилиши бухоро амирлигининг тақдирини ҳал этиб қўйди.

Насруллоҳдан кейин ўғли ва валиаҳди амир Музаффар тахтга ўтирди. Музаффар отасининг даврида Карманага волий бўлган. Унинг Абдумалик исмли ўғли Қаршига ноиб бўлган, аммо у отасига мухолифатда бўлганлиги учун мамлакатдан бадарға қилинади. Абдулфаттоҳ исмли ўғли Петроград шаҳрида бўлган. Амир Музаффар Қўқон ишларига аралашиб,бир неча маротаба зарар ва ихтилол етган вақтда Худоёрхонга иноат тариқасида аскари билан Қўқонга кириб бориб, хутбаларда номини зикр қилдириб, Бухорога қайтди ва Ҳисор шаҳрини забт этиб, волийси Абду-л-Каримбийни қатл қилди. Россия билан Эржар (Эгрижар) ва Самарқанд мағлубиятидан сўнг Бухоронинг сарҳадлари Каттақўрғондан белгиланади ва руслар билан сулҳ ва дўстлик шартномасини тузади. Амир Музаффар тўртинчи сафар ойида, жумъа куни 1303 санаи ҳижрийда [12 ноябрь 1885 йили, 67 ёшда

Ялтада] вафот этди, ўрнига валиаҳд ва вориси салтанати амир Абдулаҳадхон тахтга ўтирди. Ҳазрат амир Абдулаҳадхон даврида Руслар билан дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаб, Рус подшоҳи тарафидин унга «жаноби олий» ва «жаноби аъло» лақаблари билан мурожаат этадиган бўлдилар. У асосан кўп вақтини дам олиш учун Рус ҳудудининг Қрим вилоятига, Ялтага бориб, бир неча ойлар истироҳат айлаб, юқори мартабали Рус амалдорлари билан борди-келди қилиб қайтар эди. Бир неча маротаба Петроградга бориб, подшоҳи аъзам императорга манзур бўлуб, суҳбатлашиб, Петроградда масжиди Жомеъ биносининг қурилишига сабабчи ва ҳомийси бўлди. Абдулаҳадхон ҳазратлари шу тариқа мамлакатда тинчлик осойишталикни таъминлаб, давлатни бошқарди. Унинг вафотидан сўнг Бухоро тахтига тожи тахту ворис ва валиаҳди бўлган Тўражон *тўра* [Олимхон] подшоҳ бўлди. У Рус подшоҳига ғоятда дўстлик муносабатида бўлиб, раияларининг тинч ва осойишталик билан умргузаронликлари учун, зироат жойларини кўпайтириш учун аксар жойларга янги арик қаздирмоқ, мамлакатни ободон қилмоқ, кўчаларга тош солдурмоқ, темир йўл ва касалхона қилмоқ, кечалари шаҳар кўчаларига чироқ ёқтирмоқ ва бошқа кўпгина хайрли ишларни амалга оширишга ҳаракат қилди.

Бухоро мамлакати 28 вилоят ва 11 туманлардан иборат эди.[28] Ҳамма туманлар (туманот) Бухоро шаҳри атрофида жойлашган. Улардан иккитаси Шимолий Руд ва Жанубий Руд 1915 йилга келиб туман номини олди.[29] Бухоро шаҳридан оқаётган Шоҳруднинг шимоли ва шарқида жойлашган бу туманларнинг маъмурий маркази йўқ эди. Мазкур туманларнинг аҳолиси Бухоро садр раисига солиқларини тўлардилар. Қолган туманларда маъмурий ва молия ҳокимияти қозикалон итоатида бўлган шу туманлар қозиларининг қўлида эди.

[28] Қар. ЎзМДА Ф.И.-126. 1 тавсиф. 51 йиғма жилд.
[29] Тамкин Абдураҳмон Бухорий. Матолиъ ал-фохира ва матолиб ат-тариха.// Қўлёзма. Ўз ФА ШИ фонди № 8245. 207 б – 208а вар.

Аксар туманлар аҳоли яшайдиган энг катта маҳаллалар номи билан ҳам аталган эди. Масалан, Ғиждувон – Харқонруд, Комот – Вобканд, Симжон - Ромитан[30] номлари билан ҳам тилга олингани манбаларда қайд қилинган[31].

1916 йил маълумотларига қараганда ҳар бир туманда 120 дан 340 тагача аҳоли манзиллари бўлган. Бухоро амирлигининг вилоятлари Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Амударё соҳиллари ва воҳаларида жойлашган эди. Вилоятлар маъмурий марказлари номи билан аталарди. Энг катта вилоятлар мамлакатнинг шарқида жойлашган эди. 1914-1916 йил рўйхатларига қараганда Балжувонда 1420 та аҳоли пунктлари, Ҳисорда – 1200, Қоратегинда – 700, Кулобда – 635та аҳоли яшайдиган жойлар бўлган.[32]

Туркман вилояти 100 дан 500 тагача аҳоли пунктларидан иборат бўлиб, туманлар ҳудудига тенг келарди.[33]

Амир Шоҳмурод даврида (1785-1800 йй.) амалдорларнинг унвон ва мансаблари тартибга солинди.

Амир Олимхон даврига келиб энг юқори даражадаги амаллар қўшбеги, девонбеги парвоначи, иноқ, додхоҳ, тўқсабо, тўпчибоши бўлиб қолган эди. Амир Олимхон мансабдорлари ва ҳарбий амалдорларига хизматлари учун Александр III орденини берар эди.

Олимхон даврида қози калон, Раиси калон ва раис мансабларига аълам ва муфти аскарларидан тайинланар эди. Аълам-охунд, охунд-шайх ул-ислом, охиргиси эса нақиб ва мир асад бўлиши мумкин бўлган[34].

Бухоро қози калони Садр-и Зиё – Муҳаммад Шарифжон ибн қози Абд уш-Шакур ўзининг эсдаликларида Бухородаги амал ва унвонлар ва улар эгаларининг вазифалари ҳақида қуйидаги маълумотларни беради[35]: **«Бухоро**

---

30 · Бартольд В.В. Сочинения.Т.1. С.172; Т.3. С.200.
31 Тамкин Абдураҳман Бухорий. Кўрсатилган асар. 207 б вар.
32 Бартольд В.В. Сочинения. Т.1. – С.166.
33 Муҳаммад Шариф ибни Абдушукур Садри Зиё. Мадрасахо-йи шаҳри Бухоро. //Қўлёзма. ЎзФА ШИ, №-2493, охирги варақлари.
34 Тарих-и нофеи. 29 - 30 бетлар.
35 Мазкур маълумотлар Т. Воҳидова таржимасида берилмоқда. Қаранг: Воҳидова Т. «Садр-и Зиё. Бухоро ҳукмдорлари даврида маълум бўлган амаллар». // Бухоро мавжлари, 2007, № . – Б. 37-42.

**ҳукмдорлари даврида маълум бўлган амаллар**. Уламо ва содот (саййидлар)нинг ҳокимларга тенг мансаблари  тўрттадир. Биринчиси <u>қозийлар</u> (қузот) мансаби. Унинг энг юқориси *шайх ул-ислом*дир. Кейингиси *қози ул-қузот*, ундан кейин *қози аскар* ва ундан пастроқ *воли-йи аскария*дир.

Иккинчиси <u>муфтий</u>ларнинг амали. Уларнинг энг юқори амалидагисини *аълам* дерлар. Унинг вазифаси фуқароларга фатво беришдан иборат. Кейин *муфти аскар* ким аскария фатвоси унинг вазифаси доирасига киради. Сафарлар чоғида ва фавқулодда ҳолатларада унинг ва қози аскарнинг ваколати шу даражада бўладики, вилоят муфтиси ва қозиси, агарда подшоҳнинг айрим махсус фармони бўлмаса  вазифаларидан олинган ҳисобланади. Бундай ҳолат бугунги замонда ҳам маълумдир.

Учунчи <u>иҳтисоб</u> (муҳтасиб)лар амаллари. Агарда *муҳтасиб* саййид авлодидан бўлмаса саййид бўлмаганлар муҳтасиблиги ва уларнинг амри маъруф ва наҳий мункари унинг вазифасидир.

Тўртинчиси <u>тадрис</u> (мударрислар) амаллари. Умрларини толиб ул-илмлар таълимига бахшида этганларга берилади.

Яна фақат саййидларга бериладиган тўртта амал бор. Биринчиси [Жўйбор] *маснаднишини* (маснад, яъни тахтга ўтирувчи)дур. Жўйбор мавзеининг  ички ва ташқи ҳукумати унинг қўлида бўлган. Баъзан унга бу мансаб фахрий унвон сифатида берилиб, бошқарув унинг зиммасидан соқит қилинган.

Иккинчиси *нақиб*.  Юриш, муҳорабалар ва кўчиш вақтида аскариянинг буткул зийнати ва керакли нарса билан таъминланиши унга мансуб бўлган. Учинчи *ўроқи калон* (катта ўроқ). Аскарияда бўлган саййидларнинг назорати унга юкланган эди. Туртинчи амал бу *нақшбандий* амалидир. [Баҳо ва-д-дин Нақшбанд] мозори шарифларининг бошқарувига масъул амалдор.

Аниқ бир тоифага мансуб бўлмаган яна тўртта амал мавжуд бўлган. Уларни подшолар ўзбекларнинг  уламо ва саййидларига ўз хоҳишларига қараб берардилар. Булар *мир асад*лик, *файзи*лик, *садр* ва *судур*лик. Бироқ

файзи олим ёки саййид бўлса, унда шаҳар ташқарисидаги бир фарсах масофадаги саййидлар ва хўжаларнинг муҳтасиблиги унинг зиммасида бўлган. Садр эса шаҳар ичкарисида бир фарсах масофадаги вақфлар мулкини бошқарган. Судур эса шаҳар ташқарисидаги вақфларни идора этган.

Қалам аҳлининг амаллари ҳам тўртта бўлган. Биринчиси *девони калон* (катта девон). Танхоҳ, хирож ва шунга ўхшаш амир[лик] дафтарларининг аминлиги унинг қўлида эди. Иккинчиси *мушриф*. Султоннинг инъом ва ҳадялари, яъни байроқ, жибба, совут, от, яроғ ва шунга ўхшаш нарсаларни рўйхатга олиш учун мутасадди бўлган шахс. Учинчиси *дафтардор*. Бу амалдорнинг вазифаси саройдаги барча маросимларнинг сарф ва харажатларини катта дафтарга ёзиб боришдан иборат бўлган. Тўртинчиси *девони танобона*. Бу амалдор вазифахўрлар хирожи ва султоний ерларнинг маҳсулотларига жавобгар эди.

Аҳли қаламнинг яна тўрт амали бўлган. Биринчиси *мунший*. У муборакномалар ва маншур (фармонлар)ни ёзишга масъул. Иккинчиси *девони арбоби даруни шаҳр* (шаҳар ичкарисидаги арбобнинг девони)дир. Арик ва заҳкашларнинг ҳашар ишлари ва жиноятчиларнинг султон фармонига биноан жазоланиши унга юкланган. Учинчиси *девони арабхона*. Араблар жамоасидан навкар (сарбоз) олинишни назорат қилар ва қалбакилаштириш, товламачиликка қарши ишларни олиб борарди. Тўртинчи *девони тавжиҳ*. У девони дафтардор ва девони танобонадек кирим ишларини назорат қиларди.

Яна тўртта амал мавжуд. Биринчиси *китобдор*. Султон кутубхонасининг масъул амалдори. Уламо, вазирлар ва фозиллар томонидан тортиқ қилинадиган рисолалар ва [девони] ашъорларни қабул қилиб олишга жавобгар. Иккинчиси *девони бахши*. Кутвол, яъни султон қурилиши ва иморатлари, уларнинг сарфу харж ишларига мутасаддий амалдор. Учинчи *девони сайисхона* (сайисхона девони). Сийисхонанинг барча ишларига жавобгар. Тўртинчи *тўшакхона девони*. Сарой ва ҳарамдаги барча палослар

[ва керакли нарсалар], уларнинг сотиб олиниши, алмаштирилиши, ҳисоб-китоби унинг қўлида бўлган.

Юқоридагилардан пастроқ даражадаги яна тўрт амал бор. Булар *мушрифи хурд, пойгирнавис, девони маҳрам, девони ясовул*. (Улар аниқ ва маълумлигидан баён этилишини лозим топмадик).

*Муҳаррир* (котиб, мирзо) ҳам тўртта бўлган. *Девони саркор муҳаррири, амлок, ахбор* ва *кутубхона муҳаррири*.

Тўртта улуғроқ даражадаги амаллар мавжуд. Уларнинг эгалари султон ҳузурида ўтириш учун муайян ўринларга эга бўлганлар. Биринчиси *атолиқ* бўлиб, гўё подшоҳнинг отаси ўрнида ҳисобланган. Бухоро суви, Самарқанддан то Қарокўлгача ва барча туманларнинг суғорилиши ва сувининг тенг тақсимоти унинг ихтиёрида бўлган. Иккинчиси *девонбегии калон.* Девонбегии калон ихтиёрида вилоят хирожини барча масъул амалдорлар ва бошқалардан йиғиб олиш бўлган. Унинг назоратида вилоятлардан олинадиган накдина тўшакхона меҳтарига берилиб, амлокдорга берадиган ғалла эса девони калон ва танобона дафтари ҳисобидан сўнг кирим қилинарди. Қарокўлнинг мироблиги ҳам девонбеги калон вазифасига киради. Учинчи лавозим *парвоначи*. Олий ҳукмдорнинг умаро, уламо ва барча одамларга қилинган олий буйруқлари ва имзоланган фармон ва кўрсатган марҳаматлари парвоначи орқали эгаларига етқазилади. Араблар тоифасининг ҳукумати парвоначига тегишлидир. Тўртинчи *додхоҳ* амали. Арзгўйлар ва талабгорларнинг арзларини подшоҳга етказиб, жавобини уларга топширган.

Ҳукмдор яқинларига бериладиган яна тўрт амал бор. Булардан биринчиси *кўкалдош*дир. Вилоят ишларидан, дўсту душмандан хабардор бўлмоқ, жосуслик ишларини назорат қилиш унинг вазифаси бўлган. Иккинчиси *қўшбегии кулл*. Ов ишлари, асбоб анжомлари, қуш ва този итларга мутасадди амалдор. Учинчиси *иноқи калон*. Подшоҳ томонидан амир бўлмаган шахслар ва шогирдпешаларга бериладиган мансаб ва амаллар хабарини соҳибларига етказарди. Тўртинчи *хожайи калон*. Салтанат

саройидаги барча хожаларнинг бошлиғи. Султон ҳарамидаги зеб-зийнат, озиқ - овқат ва бошқа юмушлар унинг зиммасида бўлган. Мазкур амалдорларнинг даражалари аҳли қалам намояндаларига тенг. Бироқ аҳли қаламдан фақат девони калон ҳукмдорнинг саройига отга миниб кириши мумкин бўлган.

Қуйидаги амаллар ҳам ҳукмдорнинг яқинларига берилади ва улар баъзан олий ҳукмроннинг амрига биноан саройга отга миниб келишлари мумкин. Бу тўрт амал кўкалдош, қўшбеги ва сарой хожайи калонидан кейин туради ва даражаси улардан пастроқдир. Биринчи *иноқи хурд* (кичик инок), иккинчиси *меҳтари калон* (катта меҳтар). Бирор ариза ёки элчи (нинг) хати саройга келса аввал иноқи хурдга берилади ва у хатни очиб, подшоҳнинг розилиги билан муншийга баланд овоз чиқариб ўқиш учун берилади. Меҳтари калоннинг вазифаси закот, муминларнинг ушри (даҳяк солиғи) дан тўртини, зиммийлар ушрининг ярмини, ҳарбийларнинг ушрини, мол ва накд пуллар, чорва ва ғалла луқтаси (топиб олинган эгасиз нарсалар) ни ўз эгаларига топширишдан иборат. Учинчиси *девони саркор*. Султон ерлари, тегирмон, подшолик дўконларини фойдаланишга ва ижарага беради, кирим чиқими ҳақида хос саркорга ҳисобот беради. Султон ҳарами, хазинаси, кўруниш вақтидаги таом ва шунга ўхшаш харажоти унга тегишли. Тўртинчи *дастурхончи*. Унинг хизмати  подшоҳ дастурхонини тузаш ва уни тартибга солишдан иборат.

Тўрт амал борким, уларнинг эгалари баъзан подшоҳ мажлисига қатнашишлари мумкин бўлган. Биринчиси *тўпчибоши калон*, тўпхона (артиллерия) ишларига, кутвол, яъни султон иморатлари ва қурилишларига ҳам мутасаддий амалдор. Иккинчиси *баковул*. Ҳукмдор ошхонасига жавобгар амалдор. Сомжин туманининг мироблиги ҳам унга тегишли. Учинчиси *ўроқи хурд*. Акобир ва умаро хизматида бўлган хизматчилар, яъни кафшбардор, ҳассабардорлар каби мулозимлар устидан назорат қилади. Тўртинчиси *чеҳраоқоси*. Унинг вазифаси сарой жиловдорларнинг мухтасиблиги (бошқаруви)дир.

Яна тўртта амал мавжудким, уларнинг эгалари шоҳ саройига отга миниб келиш учун ҳуқуқлари бор. Булардан бири э*шикоқобоши*дир. Сарой отларининг назорати унга тегишли ва Шопурком ҳукумати ва мироблиги ҳам унда бўлган. Иккинчиси *чиғатойбеги*. Чиғатой жамоасининг бошлиғи, Амиробод туманининг ҳукумати ва мироблиги ҳам унинг зиммасида бўлган. Учинчиси *тўқсоба*. Подшоҳ дастурхонидаги табақлар [ва идишлар] жойлаштириши ишига жавобгар. Харқонрўд туманининг ҳукумати ва мироблиги ҳам ундадир. Тўртинчиси *мирохури калон*. Подшоҳ жиловида юриб, унинг ўнг ва сўл томонида капалакдек айланиб хабардор бўлиб юради. Коми Абу Муслим туманининг ҳукумати ва мироблиги унга тааллуқли»[36].

Юқоридагилар Бухоро шаҳри ва унинг атрофида ҳамда вилоятларда ҳам катта обрў ва ҳурматга эга бўлганлар.

## I.2. XVIII -XX асрнинг бошларида Бухоро амирлигининг илмий ва маданий муҳитида мактаб ва мадрасаларнинг ўрни.

Бухоро қадимдан Шарқнинг илм марказларидан бири ҳисобланган. Абу Али ибн Сино, Имом Бухорий сингари алломаларнинг етишиб чиққанлиги бунинг исботидир. Бухоро хонлиги Ўрта Осиё хонликлари орасида таълим масканларининг кўплиги ва етук уламолари билан биринчи ўринни эгаллайди.

Бухоро амирлиги иқтисодининг XVIII аср охирларида бир қадар юксалиши маданий ҳаётга ҳам ўзининг самарали таъсирини ўтказди. Бухоро бу даврда ҳам мусулмон Шарқининг йирик маданий маркази сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Асрлар давомида шаклланган мактаб ва олий таълим берувчи мадрасалар фаолияти бу даврда анча юксалди.

---

[36] Қаранг: Садри Зиё. Мажмуа // Қўлёзма. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, № 2193. Батафсил қаранг: Воҳидов Ш., Холиқова Р. Марказий Осиёдаги давлат бошқаруви тарихидан. Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. Садрғи Зиё ҳақида қаралсин: Вохидов Ш., Чориев З. Садри Зия и его бибилиотека (Из истории книги и книжной культуры в Бухаре в начале XX века). Ташкент: Янги аср авлоди, 2007. С.3-34.

Бухоро амирлигининг маънавий ҳамда илмий муҳитида мактаб ва мадрасалар алоҳида ўрин тутган.

Бошланғич таълим мактаблари мамлакатдаги барча йирик қишлоқларда, шаҳарларнинг ҳамма маҳалла-гузарларида мавжуд бўлиб, бу ерда болаларнинг дастлабки саводи чиқарилган.

XIX аср охири - XX асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган бошланғич мактаблар ўз иш тартиби, ташкил этилиши ва молиявий-хўжалик таъминоти жиҳатидан ўтган асрлар анъанаси ва даражасини сақлаб қолган эди. Аммо XX асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган бошланғич мактаблар давр талабига жавоб бермай қўйди.

Олий таълим масканлари бўлмиш мадрасалар амирликдаги барча шаҳарларда мавжуд эди. Мадраса арабча "дараса"-ўрганмоқ, сўзидан келиб чиққан бўлиб, мусулмонларнинг ўрта ва олий ўқув юрти ҳисобланади. VII-VIII асрларда ислом дини уламолари мусулмон илоҳиёти масалаларини шарҳлаб бериб турадиган марказ сифатида араб давлатларида пайдо бўлган. IX – XIII асрларда ислом динига эътиқод қиладиган мамлакатларда, жумладан, Ўрта Осиёнинг мусулмон давлатларида ҳам кенг тарқалган.

Ўрта Осиёдаги дастлабки мадрасалардан бири Абу Бакр Наршахийнинг "Бухоро тарихи" асарида ёзилишича 937 йилда ёнғиндан зарар кўрган "Форжак" мадрасаси ҳисобланади.

XIX аср бошларида, манбаларга кўра, фақат Бухоро шаҳрининг ўзида вақф ерларидан келадиган даромад ҳисобига фаолият кўрсатадиган 108 та мадраса бўлиб, уларнинг 60 таси асосий таълим масканлари ҳисобланган.

"Тарихи Нофеий" асарининг муаллифи Муҳаммад Саид Балжувоний маълумотларига кўра, "Бухоро уламолар назарида энг улуғ ва шарафлик шаҳардир. Унинг улуғлиги ҳам ундаги мадрасалар билан ўлчанадур. Шундоқки, бутун Бухоро ўлкасида 450 чоғлик мадраса бўлиб, уларнинг 400 таси Эски Бухорода, 2 таси Карманада, 2 таси эски Чоржўйда, 4 таси Қаршида, ундан қолганлари бошқа шаҳарлардадир. Эски Бухорода энг

машҳур мадрасалар: Кўкалдош, Нодир Девонбеги ҳамда Мир Араблардир”. Балжувоний ўзининг мазкур асарида 79 та мадрасанинг номини келтириб ўтади.

Бухоро маърифатпарварларидан бўлмиш Муҳаммад Шарифжон Зиё Садр (1867-1932йй) ўзининг “Зикри асомии мадориси дохилаи Бухорои шариф” асарида Бухорода мавжуд бўлган 204 нафар мадраса ҳақида маълумотлар беради. Муаллиф ушбу асарларида X асрдан то XX аср бошига қадар қурилган мадраса ва масжидлар ҳақида ажойиб маълумотлар беради. Зотан бу асар рисола тарзида эмас, балки мундарижа тарзида ёзилган бўлиб, беш хонали жадвалдан иборат. Садри Зиё нафақат мадрасалар сони ва номини келтиради, балки уларнинг қайси маҳаллада жойлашганлиги ва нечта ҳужрадан иборат эканлигини ҳам қайд этиб ўтади.[37]

Бухоро зиёлиси Абдурауф Фитрат 1913 йилга келиб Бухорода қарийб 200 та олий, ўрта ва қуйи бўғиндаги мадраса борлигини қайд этиб, 72 мадрасанинг номини келтириб ўтади.[38]

Мадрасалар ҳақида Н.Хаников ўзининг “Описание Бухарского ханство” асарида жуда муҳим маълумотларни келтириб ўтади. 103 та мадрасалар вақф мулкига эга бўлиб, етакчи мадрасалар сифатида 60 тасини номма ном келтирибгина қолмай, нечта хонадан иборат эканлиги, мударрис ва талабаларнинг оладиган маоши ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.[39] Масалан, Кўкалдош мадрасаси 150 хонадан иборат бўлиб, мударриси 360 тилла маош олади. Талабалари эса уч босқичга бўлинган: 1) пастқадам, Илми Сарфдан “Таҳзиб”гача ўзлаштирган талабалар бўлиб, бир йилда 3 тилла маош белгиланган. 2)Миёна, “Таҳзиб”дан то “Мулла Жалол”гача бўлган илмларни ўзлаштирган талабалар бўлиб, улар 3,2/1 тилла миқдорида маош олишган. 3) Пешқадам, “Мулла Жалол”дан курс охиригача бўлган

[37] Садри Зиёнинг бу маълумотлари «Тарихи Нофеи» китобининг изохларида берилган. Қаранг: Муҳаммад Сайийд Балжувани. Тарихи Нофеи.-Тошкент:Академия,2000.с.112-114
[38]Абдурауф Фитрат. Баёноти сайёҳи ҳинди. ||Садои Шарқ. 1988. №6. 23 б.
[39]ХаниковН. Описание Бухарскаго ханства. –СПб: Императорской Академии Наукь, 1843. 85-88 бетлар

билимларни ўзлаштирган бўлиб, йилига 5 тилладан маош (даҳяк) олишган Мадраса таълими жараёнида илми толиб бир ҳужрани ижарага олади.[40]

Мадраса муассислари томонидан мадрасани таъминлаш учун махсус мулк – вақф ажратилган ва бу мулкни бошқарувчи мутаваллини тайинлашган. Мадрасаларнинг вақф даромадларидан бир қисми вақф мулкини сақлаб, мадраса биносини таъминлаш учун ажратилган. Маълум бир қисми мутаввали мударрислар, талабалар, масжид имоми, муаззини, сартарош, фарроши ва бошқа хизматчиларга берилган. Вақф мулкининг миқдори ва унинг бир йиллик даромадига қараб мадрасаларнинг молиявий таъминоти баҳоланган. Мисол тариқасида, энг йирик мадрасалардан бўлган Абдуллахон мадрасасининг йиллик даромади 50 минг тилла танга бўлса, Жаъфархўжа мадрасаси йилига 350 минг танга, Кўкалдош, Мир Араб, Нодир девонбеги мадрасалариники эса 150 минг тангани ташкил этган. Шунингдек, мадрасаларнинг ҳужралари олди-сотдиси ҳам амалга оширилган. Аммо хон мадрасалари ҳужраларининг олди-сотдиси ман қилинган. Мадрасалар, одатда пишиқ ғиштдан икки қаватли қилиб қурилган бўлиб, унинг 1-қаватида дарсхоналар, кутубхона, масжид ва бошқа хўжалик хоналари, 2-қаватида эса талабалар яшайдиган ҳужралар бўлган.

Бухоро шаҳрида фаолият олиб бораётган мадрасалар қошида қорихона ва қироатхоналардан ташқари кутубхоналар ҳам бўлган ва ундан толиб ул-илмлар ва уларнинг мударрислари фойдаланган. Уларга давлат ва бой–бадавлат кишилар вақфлар белгилашиб, моддий ва маънавий рағбатлантириб туришган. Умуман, мактаб ва мадрасаларнинг моддий–молиявий таъминоти етарли даражада эди. XIX аср охири XX аср бошларида жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши, жадидлар фаолияти Бухородаги мадрасалар, масжидлар қошидаги кутубхона ва қироатхоналар фаолиятини жонлантирган. Улар Бухоро маънавий-маданий ва илмий муҳитига катта таъсир кўрсатган. Жадидлардан бўлган Абдурауф

---

[40] XIX асрбошларида, манбаларга кўра, фақат Бухоро шаҳрининг ўзида вақф ерларидан келадиган даромад ҳисобига фаолият кўрсатадиган 108 та мадраса бўлган бўлиб, уларнинг 60 тасиасосий таълим масканлари ҳисобланган.

Фитратнинг маълумотига қараганда ушбу таълим даргоҳларини қуйидаги ўн бир йирик кутубхона қўлланма, дарслик, илмий–бадиий ва керакли адабиётлар билан таъминлаб турган:

| Т/р | Кутубхоналар номи | Йиллик вақф (танга ҳисобида) |
|---|---|---|
| 1. | Жаъфархўжа | 18 000 |
| 2. | Говкушон | 5000 |
| 3. | Хўжаниҳол | 8000 |
| 4. | Кўкалдош | 1000 |
| 5. | Абдулазизхон | 2000 |
| 6. | Мирзо Улуғбек | 800 |
| 7. | Бадалбек | 800 |
| 8. | Дор уш–шифо | 3000 |
| 9. | Бозори гўсфанд | 15000 |
| 10. | Болои ҳавз | 1600 |
| 11. | Жўйбор | 1400 |
| | Жами | 43100 |

Юқорида номи тилга олинган Говкушон мадрасаси 5000 тангага тенг миқдордаги вақф даромадига эга бўлган. Мазкур мадраса китобхонаси мудири Мулла Сирожиддин Мулла Абулхай хўжа садр муфтийнинг ўғли бўлган. Унинг вафотидан сўнг эса, мазкур китобхона мудирилигига Мулла Муҳаммадий хўжа номзодини тайинланишини сўраб Охунд Муҳаммад Орифхўжа Садрга мурожаат қилишган[41].

Бу кутубхоналарнинг 90 фоизи мадрасалар ҳузурида жойлашган. Уларга дунёнинг бутун мусулмон давлатларидан адабиётлар келиб турган.

[41] Ўз.Р МДҲ. Ф. И – 126, рўйхат 1, й. ж. 1879, варақ 3.

Шарқшунос А.Э. Шмидт маълумотига қараганда амир Музаффар мадраса талабалари орасида айнан китоблар орқали маърифатчилик ғоялари тарқалишини олдини олиш учун қози Садр ад-динга мадраса қошидаги кутубхоналар ва хусусий жамғармалардан «зарарли» китобларни йиғиб олиб, уларни йўқ қилишни буюради[42]. Бироқ мадраса ва шахсий кутубхоналар, жумладан Муҳаммад Порсога тегишли кутубхона китобларини мулла Садр ад-дин мусодара қилади  ва тортиб олиб қўлёзмаларни йўқ қилиб юбормайди (уларнинг аксарияти нодир ва қимматбаҳо бўлган), уларни ўз уйида сақлайди. Мазкур китоблар коллекцияси кейинчалик унинг ўғли қози Бурҳон ад-динга мерос қолади.

Муҳаммад Али Балжувоний ўзининг «Тарихи нофеий» асарининг олтинчи фаслида Бухорода илм, дунёвий ва ухравий  фанларнинг ривожи, олимлар, шайхлар ҳамда аҳли вазир ҳақида шундай маълумотлар беради: «Билгинки, Бухоро Туркистон ва Мовароуннаҳрдаги давлатлар орасида илму маданият, шариат фанларининг тараққий этганлиги билан афзал.

Тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом, усул, сарфу наҳв илмларидан иборат бўлган шариат илмлари шу муаззам диёрда ривожланган, ҳикмат илмини ҳам мадрасаларда зарурат юзасидан ўқитадилар.

Бу илми ҳикмат мантиқ, қисмати илоҳилардан иборат бўлган, бироқ риёзий ва сиёсий илмлар азалдан ҳам бу шаҳарда кенг тарқалмаган. Шунинг учун Бухоро давлатининг сиёсати бошқа исломий давлатлар сингари орқада қолгандир. Бу давлатда тахминан уч-тўрт минг талабалар ўқийдилар. Дарс берувчи мударрисларнинг сони тахминан 800 нафар.

Бухорои шарифнинг аъло даражали мударрисларига эшон-қози ул-қуззот, эшон-раиси калон, эшон-шайх ул-ислом, эшон-охун, эшон-аълам, эшон-муфтии аскар кирадилар.

Бундан ташқари, шариат фатволари соҳасидан дарс берувчи муфтийлар ҳам бор. Уларнинг сони 22 нафар. Булар аъло ва авсатлар бўлиб, ўрта

---

[42] Кормилицын А. И. Кўрсатилган асари. – С. 29.

даражали мударрисларга бўлинадилар. Бу муфтилар ўроқлик мансабига эришиши мумкин бўлганки, у эшик оқобоши амали даражасига тенг келган, шу билан бирга судурлик, садрлик, шайх ул-ислом, нақиблик, мири асадлик мансабларига ҳам етишганлар. Бу жамоага умумий имтиҳондан сўнг «Ҳидояи шариф»ни ўқиб тугатишлари билан амир буйруғига кўра даҳяк (ушр) берилган. Агарда толиби илм таҳсили илмда пешрав бўлса ёки бундан ҳам билимларга эга бўлган бўлса, «Ҳидояи шариф»дан ўқитиб-имтиҳон қилиб даҳяк берганлар, мансабдор қилганлар. Даҳякдор мансабига эга бўлиш Бухоронинг исломий қонунларидан бири бўлган.[43]

Муҳаммад Алининг ўзи ҳам даҳяк олиш учун имтиҳон топшириб (1337 ҳижрий йили, милодий 1919 йили), ҳазрати эшон қози калон ҳузурларида «Ҳидояи шариф»дан «Китоби никоҳ», «Авлиё ва акфо» бобини ўқиб, даҳякка мушарраф бўлган.[44]

«Мударрисларнинг яна бир жамоаси», «банораспўш» - (банорас киядиган)лар бўлган, банораспўшликдан чиққанлари муфтий мансабига эришганлар улар тахминан 200 нафардирлар.

Буларни яна «авсата тадрийсий»- ўрта мударрислар ҳам дейдилар. Яна бир гуруҳ- «асфал тадриси» (паст даражадаги) мударрислар ҳисобланган. Уларни «бекасабпўш»лар дейишган. Яна имом, мударрис ва шунга ўхшашлари ҳам борки, уларнинг сони уч юздан кўпроқдир. Бу шаҳарда 400 мадраса (Тарихи Нофеийда келтирилган 79 мадрасанинг рўйхати иловада берилган) ва 296 та беш вақтлик намоз ўқиладиган масжид, 18 та жомеъ масжиди, 80 та қабристон мавжуд. Бухорода 13 та китобхона, 96 та қорихона (қироатхона) ва мактабхона фаолият кўрсатади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, илм ва фан бобида бошқа ўлкаларга қараганда Бухоронинг имкониятлари кенгроқдир.[45]

Хулоса тарзида таъкидлаш мумкинки, XIX аср охири-XX аср бошларидаги мураккаб иқтисодий-сиёсий вазиятга қарамасдан Бухоро

---

[43] Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеий. -33-34 бетлар.
[44] Ўша жойда.
[45] Кўрсатилган асар, -34-35 бетлар.

амирлигида илмий ва адабий муҳит ривожланди, тараққий этди. Туркистон халқларининг фан ва маданияти мустамлака тузумининг биқиқ шароитида ҳам, руслаштириш сиёсатининг барча зуғум-ситамларига қарамай, ривожланишдан тўхтамади. Мустамлакачилар илм-маърифатга интилиш, илғор ғоялар ва истиқлол истагини бўғиб ташлай олмадилар. Ушбу муҳитда вояга етиб, фаолият юритган ижодкорларнинг ҳаёти ва адабий мероси бугунги кунда тарихчиларимиз ва адабиётшуносларимиз томонидан муфассал ўрганилмоқда.

## II БОБ. Бухоро амирлигида таълим тизими (XVIII-XX аср бошларидаги мадрасалар мисолида.

### II.1. Бухоро амирлигида XVIII-XIX асрнинг биринчи ярмида таълим тизими.

Бухоро амирлигида анъанавий таълим тизими мавжуд бўлиб, у икки босқичдан иборат эди: қуйи (бошланғич таълим) ва юқори (мадраса) босқич. Мактаблар давлат томонидан таъминланган. Улар идора қилиниши ва таъминоти жиҳатидан асосан иккига бўлинган: умумий ва ҳусусий.

Бошланғич анъанавий мактаб-мусулмон болалари учун умумий маълумот берадиган хат-савод чиқариш масканлари бўлиб[46], араб имлосида савод олиш, ёзиш ва ўқиш кўникмаларини шакллантириш,[47] ҳисоблаш қоида ва кўникмаларни ҳосил қилиш, табиат ва жамият, атроф-муҳит, ислом дини ҳақида билим ва тушунчалар бериш, ахлоқ-одоб меъйёрларига амал қилишни ўргатишдан иборат эди.

"Мактаб" сўзи арабча "катаба"-ёзмоқ феълидан ясалган бўлиб, ёзишга ўргатиладиган жой[48] дейилса, бошқаларида "мактаб" термини мирзалар мактаби маъносини билдирган[49]. 1896 йилда Санк- Петербургда нашр қилинган энсиклопедияда: "мактаб-мусулмонларнинг масжидлар қошидаги хат-савод чиқариш  ва диний удумларни ўзлаштириш даргоҳи"[50] дея таъриф берилган. Бундай анъанавий таълим тизими Ўрта Осиё ерлари араб халифалиги томонидан босиб олингандан кейин (IX-X асрлар) зардўштийларнинг "дабиристон"лари ўрнида шакллангани маълум.

Ўрта Осиёда анъанавий таълим икки боскич:қуйи бошланғич мактаб ва юқори мадраса босқичидан иборат эди[51]. Ушбу тизим мактаблари давлат

[46]Наливкин В. Что даёт средне-азиатская мусульманская школа в образоватьном и вопитательном отношениях? // Турк. Лит. Сборник в пользу прокажены.-СПБ, 1900.-С. 323.
[47]ЩзМДА. 47-фонд, 1-рщйхат, 333-иш. 7-вараы.
[48]Долимов У. Эски мактаб // Таффакур, 2010.№1.66-73-бет.
[49]Остроумов Н.П.Исламоведение. Введение в курс и исламоведениея. Ташкент,1914.С.94-96.
[50]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат, 333-иш. 6-вараы.
[51]Щз МДА. 1010-фонд, 1-рщйхат,66-иш. 12-вараы.

томонидан тўлиқ маблағ билан таъминланмаган,[52] улар доимий равишда хусусий шахслар маблағи ва вақф мулклари ҳисобига ишлаб келган[53].

Ўрта Осиёнинг барча шаҳар, қишлоқ ва овулларида мактабхоналар мавжуд бўлган[54]. Мактаблар кўпинчҳа бир синф хонасида иборат бўлганлиги учун ҳам уларни мактабхона деб аташган.Ўғил болалар мактабхоналарининг аксарият масжидлар[55], мадрасалар, қорихоналарқошида ёки хусусий мактабдорлар хонадонларида, қиз болалар мактабхонлари отин айёлар уйларида ёки бадавлат кишиларнинг мактаб ёшидаги қизлари учун уларнинг уйларида ташкил этилган.

Бухоро амирлигидаги бошланғич мактабларда дарс бериш билан шуғулланувчи домланинг иш ҳақи вақфномада белгиланган маблағдан бериб борилиши кўпгина вақфномаларда уқтирилган[56]. Бундай маълумотларни бухоролик Рауфбой ўғли Маъруфбой[57] Мирмансурнинг қизи Нозикой[58], Мирзо ўзбек ўғли Мирзо Ғулом[59] вақфномаларидан билиб олишимиз мумкин. Масалан, Рауфбой ўғли Маъруфбой вақфномасида: “Вақф мулкидан ҳосил бўлган пулни мусулмон фарзандларига диний таълим берадиган ва ҳар жума эрталаб ва кечқурун “Мулк” (Таборак) сурасини ўқиб ва ўшандан ҳосил бўладиган савобни  вақф эгасига ва унинг ота-онасига, ўтган барча олим-уламоларга бағишлаган кишига берилиши ёзиб қўйилган.[60] Яна бир Бухоро амирлигида тузилган вақфномада 1338 ҳижрий йилда Шамсуддин Мирғиёс Мирзоғуломнинг Мулло. Ҳодий гувоҳлигида вақф ваколатини олгани ёзилиб ва ”ҳовли вақф қилинганлиги ва шунга биздан кейин тирик қолган киши ушбу вақфларга валий (егалик) қилиб мактабдаги мусулмон болаларига ҳовлини  ижарага берган пулининг бир қисмини беришларини ва улар жума ва ҳар куни “Ёсин” сурасини ўқиб воқиф ва пайғамбаримиз

[52]Щз МДА. 1010-фонд, 1-рщйхат,66-иш. 23-вараы.
[53]Наливкин В. Школа у туземцев Среднеё Азии // Туркестанские ведомости.1898.8 август.
[54]Щз МДА. 1010-фонд, 1-рщйхат,66-иш. 91-вараы.
[55]Щз МДА. 1010-фонд, 1-рщйхат,66-иш. 13-вараы.
[56]Щз МДА. 1010-фонд, 1-рщйхат,66-иш. 23-вараы.
[57]Щз МДА. 323-фонд, 1-рщйхат,1116-иш. 1-вараы.
[58]Щз МДА. 323-фонд, 1-рщйхат,1116-иш. 1-вараы.
[59]Щз МДА. 323-фонд, 1-рщйхат,1126-иш. 1-вараы.
[60]Щз МДА. 323-фонд, 1-рщйхат,1116-иш. 1-вараы.

саллаллоҳу алайҳи ва саллам руҳларига бағишлашини шарт қилган"[61]. Бундан ташқари, муаллимга нисбатан қуйидагича щарт қўйилган : "Ўқитувчи мактабни узрсиз тарк этмаслиги керак"[62]

Бухоро амирлигида мактаблар кўп ҳолларда айрим бадавлат шахсларнинг хайр-еҳсонлари эвазига[63], баъзан эса масжидларга тушган даромад эвазига қурилган. Бухоро шаҳрининг Ҳиёбон гузарида Мир Мансурнинг қизи Нозик-ой етти хонали уй ва болахонадан иборат бўлган ҳовлисини мактаб ўқувчилари фойдасига диний таълим олишларига ёрдам сифатида вақф қилдирган[64].

Вақфномаларда ёзилишича, мактабхоналар ёғоч, хом ва пишиқ ғиштдан бино қилинган[65]. Мактабхона биноси одатда бир хонадан иборат бўлиб, болалар бўйра ёки гилам (тўшамча, шолча) устида ўтиришган[66].Мактабнинг хоналари кичик, тор бўлиб, ёруғлик тушмайдиган қоронғи, ўқувчилар ўтирадиган жой эса нам заҳ бўлган[67].Ўғил болалар мактабхоналарида масжид қавми томонидан таклиф этилган масжид имоми, муаззини ёки мадрасани тугатган зиёли киши муаллимлик қилган[68].

Архив маълумотларига қараганда Бухоро шаҳрининг ҳар бир кўчаларида ўзининг мактабхонаси бўлган[69].Мактабхоналар асосан мусулмонларнинг хайр-еҳсонлари ёки амирнинг буйруғига мувофиқ кўчада яшовчииларнинг умумий маблағи эвазига ҳам ташкил этилган[70].

1910 йилда Бухорода 350 га яқин анъанавий (бошланғич) мактаблар фаолият кўрсатган[71].

Бошланғич мактабларда ўқувчиларнинг сони 10 нафардан 50-60 нафаргача бўлган[72].Ўғил болалар мактабхонасида ўртача 30-40 нафар бола ўқиган[73]

---

[61]Щз МДА. 323-фонд, 1-рщйхат,1059-иш. 1-вараы.
[62]Щз МДА. 323-фонд, 1-рщйхат,1116-иш. 1-вар
[63]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат,323-иш. 9-вараы.
[64]Щз МДА. 323-фонд, 1-рщйхат,1226-иш. 1-вараы.
[65]Щз МДА. 323-фонд, 1-рщйхат,1226-иш. 1-вараы.
[66]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат,333-иш. 7-вараы.
[67]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат,333-иш. 9-вараы.
[68]Щз МДА. 1010-фонд, 1-рщйхат,66-иш. 1-вараы.
[69]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат,333-иш. 7-вараы.
[70]Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843.210-бет.
[71]НиёзийРажабзода.Ибтидоиймактабларимизнингтартибсизлигиёхудтараыыийнингйщли //Ойина,1914.№38.

бўлса, овул мактабларида ўқувчилар сони 10 нафардан ошмаган[74]. Қизлар ўқийдиган мактабхоналардаги ўқувчилар сони ўғил болаларга нисбатан 25-30 фоизни ташкил этган[75].

Мактабхонада ўқишга қабул қилиш ёши Бухорода 5 ёшдан 12 ёшгача бўлган даврни ташкил этган[76].Садриддин Айний ўзи яшаган уч юз хонадонлик қишлоғида тўрт яшардан ўн икки яшаргача бўлган болалар мактабнинг шодирдлари ҳисобланганлиги ҳақида маълумот беради[77].Анъанавий бошланғич мактабларда ўқувчи беш йилдан кам ўқимаган[78]. Ёз ойларида ва рамазон ойида ўқувчилар таътилга чиқишган [79]. Мактабхонада таҳсил оладиганлар ўқишининг давомийлиги бир қатор оммиларга, яъни домланинг маҳорати, ўқувчининг зеҳни ҳамда оиладаги муҳитга бўғлиқ бўлган.

Мактабхоналарда олиб борилган ўқиш муддати 4 йилдан 10 йилгача давом этган.XIX асрнинг ўрталарида Бухоро амирлигидаги мактабларда ўртача ўқиш муддати 7 йил деб кўрсатилган[80].Абдурауф Фитрат ҳам мактаблардаги ўқиш муддатини етти йилдан ўн йилгача деб кўрсатган[81].

Мактабхоналардаги дарслар эрталаб қуёш чиқишидан то аср намозигач давом этиб, жума ва байрам кунлари ўқувчилар дарсдан озод қилинган[82]. Уқитувчи (домла) йил бўйи сабр – тоқат билан мактабхонани очиб ўқувчиларни кутиб турган[83].

Мактабхоналарнинг кўпчилиги одатда масжидлар ёнида ёки унинг қошида ташкил этилган. XX аср бошида Бухоро шаҳрида 2018 та масжид бўлиб, ўртача ҳисобда бир масжид ҳузуридаги мактабда 40 нафаргача бола ўқишга

---

[72]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат,333-иш. 11-вараы.
[73]Наливкин В. Школа у туземцев Среднеё Азии // Туркестанские ведомости.1898.8 август.
[74]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат,333-иш. 11-вараы.
[75]Щбекистон Миллий Энсиклопедияси. 5-жилд Тошкент:Давлат илмий нашриёти, 2003.412-бет.
[76] Ханыков Н.В. Описание Бухарского ханства. СПб., 1843.211-бет.
[77]АйнийС.Эскимактаб.140-бет.
[78]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат,333-иш. 17-вараы.
[79]Щз МДА. 1010-фонд, 1-рщйхат,66-иш. 18-вараы.
[80]ХаныковН.В. кщрсатилган асар.212-бет.
[81]Фитратм А.Мунозара // Шары юлдузи, 1997.№1.121-бет.
[82]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат,333-иш. 17-вараы.
[83]Наливкин В. Школа у туземцев Среднеё Азии // Туркестанские ведомости.1898.8 август№32.

имкон бор эди[84]. Мадрасал қошида ҳам мактабхона ташкил этилган[85].Масалан, Аҳмаджон Пўстиндўз мадрасаси қошида мактабхона мавжуд бўлиб, мактабдор домла, бир вақтнинг ўзида "қуръон ҳофизи" ҳам бўлган, мактаб таъминоти мадраса вақфи ҳисобидан бўлган[86].Худди шундай мактаблардан бири Зомуша кўчасидаги 1815 йилда қурилган Домла Шермуҳаммад ибн Нурмуҳаммад мадрасаси қошида ташкил этилиб, унинг таъминотига ҳам мадраса вақфи ҳисобидан бўлган[87].

Мактабда ўқувчи дастлаб имом масаласига доир "Калимаи-шаҳодат" ва "тойиба"ни ёд олгач, араб алифбосини ўрганишга киришган. Ҳарфларни ўқитувчи алоҳида ёғоч ёки қаттиқ лавҳаларга ёзиб қўйган[88].Ҳарфлар аввал ёд олинган, кейин эса бўғинлаб ўқишга ўтилган. Бўғинлаб ўқишга ўтишдан сўнг ўқувчи "ҳафтияк"ни ўрганишга ўтган[89].

"Алифбо" дарслигида ҳарфларнинг ёзилиши, қўшилишидаги кўринишлари, ҳарфларнинг турли ўринларидаги шакллари ўрганиб бўлингандан кейин "зеру-забар" яъни ҳарф ости ва устига қўйиладиган диакритик белгилар ва уларнингқўлланиши, улар ёрдамида бўнлар тузим каби қоидалар ўргатилган[90].

Араб алифбосини ёд олгач, ўқувчи дастлабки "Ҳафтияк" ни ўрганишга киришган, унда Қурўни Каримдан кичик суралар олинган. "Ҳафтияк" – бошланғич мактабда ҳарфлар танилгач, ўргатиладиган ўзига ҳос китоби бўлиб[91] , асл маъноси форсчада "ҳафт"- ети, "як"- бир, яъни Қуръни Каримнинг еттидан бир қисми деган маънони англатади[92].

Мактабхонада ўқиш жараёнида "Ҳафтияк" тугатилгач, "Тажвид" китобига ўтилган."Тажвид"- Қуръонниқироат билан ўқиш тўғрисидаги китоб[93].

---

84 Сухарева О. К истории городов Бухарского ханства. Ташкент: Изд. АН Узб ССР, 1958.212-бет
85Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат,333-иш. 10-вараы.
86Щз МДА. 323-фонд, 1-рщйхат,38-иш. 4-вараы.
87Щз МДА. 323-фонд, 1-рщйхат,51-иш. 1-вараы.
88Щз МДА. 323-фонд, 1-рщйхат,51-иш. 21-вараы.
89Наливкин В. Школа у туземцев Среднеё Азии // Туркестанские ведомости.1898.8 август.№32.
90Бухоро вилоят музейи ыщлёзма фонди.1078/11 инвентар.
91Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат,333-иш. 54-вараы.
92Ъафтияки шариф.Тошкент, 1992.3-бет.
93Бухоро вилоят музейи ыщлёзма фонди.1078/11 инвентар.

“Тажвид” ўзлаштирилгач, Қуръони Каримнинг ўзи ўқитилган.Унинг “Алламнашраҳ” сурасини ёдлаган ўқувчи “саводхон” деб ҳисобланган. Саводи чиққан бола диактрик белгилар (“зеру-зар”)сиз насталиқ ёзувида битилган бошқа китобларни ўқий бошлаган. Кейинги босқичда “Фарзи-айн” китобига ўтилган. “Фарзи-айн”-шариатга кўра барча мусулмонларга буюрилган, бажарилиши шарт бўлган амаллар[94] ҳақида тушунча ва маълумот берган.

Ундан кейинг китоб “Чоркитоб” (Чоҳар китоб) бўлиб, унда ислом динининг асосий қоидалари баён этилган[95].Диний урф-одатлар ўз ифодасини топган.

Кейинги босқичда “Сўфи Оллоёр” деб юритилган, аслида шу муаллиф қаламига мансуб “Сабот ул-ожизин” китоби ўқитилган[96].Унда ислом динининг асосий қоидалари баёнидан ташқари, инсоний фазилатлар, аҳлоқий тарбияга қаратилган ҳикматлар, ибратли ҳикоялар, шъерлар, достонлар ўрин олган[97].

“Сабот ул-ожизин” тугатилгач, ислом ақидалари баён этилган “Маслак ул-муттақин” номли назмда битилган диний китоб ҳам ўқитилган. Бу форс тилида ёзилган шерлар тўплами бўлиб панд-насиҳат, одоб-аҳлоқ ва шариат қонун-қоидалари баён этилган[98]

Барча мактабларда шарқ ва мусулмон педагогикасининг ёрқин манбаи бўлган Саъдийнинг “Гулистон” ва “Бўстон” асари кенг ўқитилган ҳам маълум.

Кейинги босқичда мактабхоналарда Хожа Ҳофиз Шерозийнинг “Девон”ига ўтилган[99]. Мадрасаларда дарслик сифатида ўқитилган “Девон”да лирик шерлар ўрин олган бўлиб, илоҳийлик ва дунёвийлик уйғунлашган ёш болаларни аҳлоқий тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган[100]. Кўп мактабхоналардаги асосий ўқув курси шу билан якунланган.

---

[94]Щбекистон Миллий Энсиклопедияси. 9-жилд Тошкент: ЩзМЭ,2003. 188-бет.
[95]МаевН. Туземнаяшколы // Туркестанские ведомости.1884,30 октябрь.
[96]Щз МДА. 1010-фонд, 1-рщйхат, 66-иш.73-вараы.
[97]Бухоро вилоят музейи ыщлёзма фонди.12928/11 инвентар.
[98]Щз МДА. 1010-фонд, 1-рщйхат, 20-иш.9-вараы.
[99]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат, 333-иш.55-вараы.
[100]Бухоро вилоят музейи ыщлёзма фонди.30473/11 инвентар.

Садриддин Айнийнинг ёзишича, Бухоро мактабларида булардан ташқари, араб грамматикаси катта эътибор қаратилиб, “Бидон”, “Занжоний”, “Муиззий”каби китоблар ҳам ўқитилган[101]. “Бидон”- форс-тожик тилида ёзилган араб тили грамматикаси бўлса, “Занжоний”-араб тили синтаксисига доир китоб бўлган. “Муъиззий”- араб тили морфологиясига доир китоб бўлиб, ҳар учала китоб ҳам мадраса таҳсилига қадар мактабхонада ўқитилган[102].

Мактабларда ўқиш жараёнида Алишер Навоийнинг ижодига мансуб “Девони Навоий”, “Куллиёти девони Амир Навоий” каби номлар билан шуҳрат қозонган шеърий тўпламлар ҳам ўқитилган.

Бошланғич мактабларда ёзув машғулотларида Саид Салоҳиддинхўжа ибн Оловиддинхўжанинг форс тилида ёзилган “Муфрадот” (ҳарфларни намуна-нусхага алфавит тартибида катта қилиб ёзиш мудрадот (сархат), ҳусниҳатни англатган, баъзан мудрадот ёзиш бир-икки йилга чўзилган[103].

Мурадот машқидан кейин мураккабот, яъни ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш машқи бошлаган. Ҳарфларни бир-бирига қўшиб ёзиш машқи бир неча босқичга бўлиниб, ҳарф бирикмаларининг маъно англатиши ёки англатмаслиги мутлоқо эътиборга олинмаган;асосан ҳарфлар бир-бирига қандай қўшилишини машқ қилишга урғу берилган. Кўпгина бошланғич мактабларда ҳарфларни бир – бирига қўшиб ёзиш машқи “абжад ёзиш” билан тугалланган.Ёзувни ўрганишда абжад ҳисоби ҳам ўргатилган.Ўқувчи дуойи саломни ёзишни билса, уни “хати чиққан”деб ҳисоблашган.

Айрим мактабларда қобилиятли ўқувчиларга арифметикани тўрт амали ўргатилган.Бухоро вилояти музейи қўлёзмалар фондида сақланган “Хулосат-ул-ҳисоб”[104], “Усули ҳисоб”[105] рисолаларида ҳисоб-китоблар баён этилган.

Амирликдаги анъанавий таълим тизиминг юқори босқичи бўлган мадрасалар тарихи ИХ – Х асрларга бўриб тақалади.[106] Мадрасалар олий

[101]Айний С. Асарлар. 1том. Тошкент: Бадиий адабиёт, 1963.352-вараы.
[102]Бухоро вилоят музейи ыщлёзма фонди.25563/11 инвентар.
[103]Щз МДА. 1010-фонд, 1-рщйхат, 66-иш.82-вараы.
[104]Бухоро вилоят музейи ыщлёзма фонди.25(241)/11 инвентар.
[105]Щша жойда.12940/11имвентар.

таълим вазифасини бажариб, мамлакатнинг бошқарув тизими, ҳуқуқ-тартибот ва таълим тизими учун кадрлар тайёрлашда муҳим рол ўйнаган.

XX аср бошларида бухоро мадрасалари олий, ўрта ва ибтидоий тоифага бўлинган. Олий табақадаги мадрасалар сони 34 та бўлиб, уларнинг умумий вақф миқдори 2 миллион 84 минг танга бўлиб, ўрта тоифадаги мадрасаларга эга 39 та бўлиб, жами вақф миқдори 961 минг тангага, ибтидоий тоифага мансуб мадрасалар эса 100 тадан ошиб, умумий вақф миқдори 500 минг тангага етди.

1896 йилда Туркистон ўлкасида мадрасаларга тегишли вақф ерлари 462566 танобни ташкил этган. Бу далиллар ота-боболаримиз илм-зиё тарқатиш йўлида қай даражада саховатли бўлганликларининг яққол исботидир. Мадрасаларнинг мулкини сақлаб туриш, мадраса биносини таъмирлаш (шикасту рихт) учун ажратилган. Қолган қисмининг ўндан бири (тавлият) мутаваллийга, унинг учдан ёки тўртдан бир қисми (мадрас) мударрис ёки мударрисларга бўлинган. Бундан қолгани муллалар (талабалар), мадраса қошидаги масжид имоми, сўфиси, сартароши ва фарроши ўртасида тақсимланган. Мадрасаларда ўқувни ташкиллаштириш мударрисларнинг, хўжалик ишларини юритиш мутаваллиларнинг зиммасида бўлган.

Талаблар уч босқичда ўқитилган: «Адно» ёки паст қадам-қуйи бўлим, «авсат» ёки миёна-ўрта бўлим ва «аъло» ёки пешқадам-юқори бўлим. Адно бўлимида ўқиш «Ақоид» китобини ўргангунча давом этган. Авсат бўлимидаги сабоқ «Ақоид»ни ўрганишдан бошланиб, «Мулла Жалол» китобини ўргангунча давом этган. Ундан кейинги китобларни ўқувчилар «аъло» бўлими талабалари ҳисобланишган. Қобилиятли талабалар ҳар бир босқични 3-4 йилда биритиб чиққанлар ва 10-12 йилда ўқишни тугатганлар. Ўқитиш жараёнининг бундай секин бўлинишининг ўзига хос сабаблари бор. Дарслар араб тилида олиб борилиб, тушунтиришлар орқали ўтилган. Ҳар бир

[106] Наршахий М. Бухоро тарихи.

фан асосий дарсликдан ташқари бир қанча шарҳлар асосида ўқитилган. Сабоқлар бомдод номозидан кейин бошланиб, ўқувчилар қайси китобни ўқиётганлигига қараб, жамоаларга бўлинган. Амирликдаги мадрасалардаги ҳар бир жамоада 5-10 тадан 20 тагача талаба бўлган. Уларни қори боши бошқарган. Жамоа аъзолари мударрис ҳузурига қўлларини қовуштириб, таъзим ила салом бериб, навбат билан кирганлар. Дарс пайтида домла дарсхонанинг тўрини эгаллаган. Талабалар ерга солинган гилам ёки кигиз устида чордона қуриб ўтирганлар. Қорибоши мударрисга яқинроқ жойлашган. Талабалар ўқилаётган китобнинг аввалги дарсда келиб тўхтаган саҳифаларини очгач, машғулотлар бошланган. Ўқишни Қорибоши бошлаб берган. Мударрис унинг талаффузини тўғирлаган. Сўнгра, биринчидан, талабаларга нотаниш арабча сўзларнинг, иккинчидан, ўқилган парчанинг мазмунини тушунтирган. Бу борада баъзан мунозара услубидан фойдаланилган: агар янги мавзу юзасидан талабалардан бирида савол пайдо бўлиб қолса, мударрис шу саволга бошқа талабанинг жавоб беришини сўраган. Бу аждодларимизнинг зиёлилар тайёрлаш жараёнидаги ўқитиш услублари ҳозирги замон услубларидан асло қолишмаслигидан далолат беради. Мадрасаларда ўқув машғулотлари кун ботгунга қадар давом этган. Қуйи бўлим ўқувчиларининг дарси аввалги сафар ўтганларни такрорлаш билан бошланган. Дарсликларни ўзлаштириш мударрис берган саволлар орқали текширилган. «Шарҳи мулла» китобини мутолаа қилишга киришилгач, такрорлаш машғулотлари билан ўтказиладиган дарслар эгаллаган. Муҳаррирлик вазифасини юқори бўлимларнинг энг иқтидорли мадрасаларни тугатган ва мударрислик лавозимига номзодлар бажарганлар. Улар вақт ўтиши билан иккинчи мударрис (ноиб), кейинчалик биринчи мударрис (ҳазрат домла) бўлиши мумкин бўлган.

Йил мобайнидаги умумий машғулот даври 120 кундан ошмаган.

Мадраса мударрислари ва хизматчиларининг йиллик маоши 250 тилладан 350 тиллагача, талабалар нафақаси 3-4 тилла, кутубхона

харажатлари, таъмирлаш учун маблағлар ҳар бир мадрасага бириктирилган вақф ерларидан келадиган даромадлар ҳисобига қопланган.

Мадрасага мактабхонани тугатганлар қабул қилинган. Талабалар ёши 10 дан 40 ёшгача бўлган. Улар мадраса ётоқхоналарида яшаш ҳуқуқига эга бўлган кундузги бўлим ва дарсларга эркин қатновчи сиртқи бўлим талабалари тоифаларига ажратилган. Мадраса ўқув дастурининг умумий жиҳатлари X-XИИ асрларда ишлаб чиқилган ва кейинчалик такомиллашиб борган. Мадрасада ўқув жараёни етти ой давом этган. У мезон ойининг биринчи куни (21 сентябрь)да бошланиб, ҳамал ойининг биринчи куни(21 март)гача давом этган. Ҳамал ойидан (21 мартдан) мезон ойигача (21 сентябрь) бўлган муддат таътил ҳисобланиб, толиби илмлар турли ишлар (деҳқончилик, ҳунармандчилик, масжид имомлиги ва бошқалар) билан шуғулланганлар.

Мадрасада ҳафта кунлари таҳсил — машғулот кунлари (шанба, якшанба, душанба, сешанба)ва таътил— ўтилганларни такрорлаш (чоршанба, пайшанба, жума) ҳамда дам олиш кунларига бўлинган. Дарслар қуёш чиқиш пайти (бомдод намозидан кейиноқ) бошланган.[107]

Бухоро мадрасаларида давлат бошқаруви, иш ва ҳужжат юритиш учун ҳам малакали кадрларни тайёрлашда муҳим ўрин эгаллагани маълум. Бундан ташқари саводли ва мадрасада таълим олганлар амирликнинг илмий ва маданий ҳаётида ҳам катта ҳисса қўшганлар. Мадрасани битирганлар амирликнинг юқори диний уламолар табақаси сафига киришган.

Мадрасаларда талабалар Қуръон, тафсир, фиқҳ, шариат асослари (усул), диний-ахлоқий адабиётларни, тарих, фалакиёт, мантиқ, фалсафа, ҳандаса ва бошқа фанларни ўрганишган. Лекин бу даврда мадрасаларда диний-ахлоқий таълим беришга асосий эътибор қаратилиб, дунёвий таълим бериш бир қадар орқада қолган эди.

[107] Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. –Тошкент, 60-62 бетлар

Шу билан бирга, амирликдаги мадрасаларни тугатиб бир қатор илмларни эгаллаган машҳур кишиларнинг яшаб ўтганлиги мадраса таълимининг ютуқларини ҳам кўрсатиб турибди.

Мадрасалардаги битирув имтиҳонларига (хатмонага) шахсан амирларнинг ўзлари ташриф буюриб, эътибор билан қараганлари манбаларда зикр қилинган. Айниқса, бу ҳолат амир Шоҳмурод, амир Ҳайдар даврларида кўп бор кузатилган. Шарифжон Махдум ёзади:

«Бу ўғил (Ҳайдар) отасининг намунаси бўлиб, тақводор олим, парҳезкор ҳофизи каломи раббоний (Қуръонни ёд олган), (ва) машҳур ҳаттот (эди). Рамазон ойида таровеҳ намозлари зимнида бир марта хатми Қуръон қилар эди. Қорилар ва толибларнинг имтиҳонларини ўзи қилар эди. Мударрис ва толибларнинг маошини (даҳяк) ўзи тасарруф қилар эди».[108]

Биз ўрганаётган даврга оид мадрасалар, уларнинг бинолари салобат тўкиб турган экан, тарих қаватларида уларнинг таълим тизимига доир дарслигу дастурлари бор бўлиб, улар бугунги кундаги Олий даргоҳларнинг талаб ва тамойилларига яқин туради.

Садриддин Айний маълумотларига кўра, “Бухоро мадрасаларида асосан қуйидаги илмлар ўқитиларди: араб тилининг сарфу наҳвий, мантиқ, ақоиди исломий (илми калом), ҳикмат (табиий ва илоҳий), фиқҳи исломий (таҳорат, рўза, жаноза, ҳаж, закот, никоҳ, талоқ, савдо-сотиқ, қул сақлаш ва озод қилиш каби масалаларки, ибодатга ёки мусулмонлар жамияти орасида бўладиган муносабат ва муаммоларга оиддирлар)”.[109] Бироқ санаганимиз рўйхатнинг ўзи ҳам мадраса дастурининг қамров доираси кичик эмаслигидан далолат беради. Айниқса, илми фиқҳ, анча кенг ўтилган бўлиб, у инсон турмуш тарзининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган. Иккинчидан мадрасада фақат диний билимлар эмас, балки дунёвий илмлардан ҳам сабоқ берилган. Бу ҳақда: “Ҳисобни, умуман математикага оид дарсларни ўқишни истаган талаба бу фаннинг мутахассисини топиб, унинг олдида ўқирди.

---

[108] Шарифжон Махдум (Садри Зиё). Тарих. ЎзР ФАШИ, қзлёзма, инв. №2241, 85 а в.
[109] Айний Садриддин. Куллиёт. ж.5.-165-б.

Адабиётни истаган одам, у билан хусусий тарзда шуғулланарди".[110]Бундан кўринадики, гарчи аниқ фанлар мадраса дастури доирасида кенг ва махсус ўрганилмаган бўлсада, бироқ ўтилиши қатъий ман қилинмаган.Мадрасанинг кунлик дарс машғулотлари жадвали бундай мустақил мутолаа учун имконият берган. Ана шундай қайдлардан кейин ўқилиши лозим бўлган дарслик ва китоблар бирма-бир саналади. Бошланғич мактабни (масжид олдидаги таълим) тугатган талаба ўқишни яна давом эттирмоқчи бўлса, унинг илк мутолаасига тавсия қилинадиган дарслик "Бидон" китоби бшўлган. Фаридуддин Аттор асарлари асосида Мавлоно Шарафуддин Бухорий томонидан тартиб берилган "Чаҳор китоб" – "Номи ҳақ", "Қолан наби", "Ҳамди беҳад", "Бидон" каби таркибий қисмлардан иборат эди. Араб тили грамматикасига доир "Бидон" (Билгил) арабча мисолларнинг тожикча шарҳидан иборат бўлган. Ундан сўнг "Аввали илм" (Илм ибтидоси) китобчаси тавсия қилинган. Бу китоб ҳам тожик тилида бўлиб, шариат аҳкомларига доир зарурий масалалар савол-жавоб тарзида баён қилинган. Бундай ифода услубининг қулайлиги шундаки, аввало, у толиб эътиборини ўзига жалб қилади, сўнгра унда ёритилган масалаланинг хотирада узоқ сақланиишига кўмак беради. Тожик тилидаги қўлланмалар ўзлаштирилгач, "Муиззий", "Занжоний", "Авомил" сарлавҳали араб тилида иншо қилинган китоблар мутолааси тавсия қилинган. Ушбу рўйхатдан кўриниб турибдики, оддийликдан мураккабликка бориш тамойилига амал қилинади. Юқорида зикр этилган асарлардан кейин мадраса дастури талабига кўра "Қофия" китобига ўтилган. Мумтоз ижодкорларимиз аксарияти таржимаи ҳолида қофия илмидан сабоқ олганлиги қайд этилади. Жумладан, Алишер Навоий "Хамсатул-мутаҳаййирин" асарида "Қофия"ни Абдураҳмон Жомий ҳузурида ўрганганлиги ҳақида хабар беради. Мадраса дастуридан бехабар кишининг бундай ишора моҳиятига дарров етиши қийин. Етти бобдан иборат бу китоб араб тили грамматикасининг (синтаксисининг) мураккаб масалалари талқинига бағишланган. Садриддин Айний фикрича, "Қофия"нинг дастлабки

[110] Ўша жойда.

боблари ифода тарзининг мураккаблиги туфайли мадраса толибларига қийийинлик қилган. Масаланинг айни жиҳатини инобатга олган олган тажрибали мударрислар “Қофия” билан ишлашни унинг охирги бобларидан бошлашган. “Эсдаликлар”да мадрасада сабоқ берадиган мударрисларнинг ўзига хос таснифи ҳам берилади: “Бу ерда айтилган китоб ва китобчалардан даср берадиган муллалар, хоҳ бирор мадрасада мударрис бўлсин, хоҳ бўлмасин, “Кунжаки домла” деб аталардилар. Бу дарсларнинг ҳаммасига (бошланғич мактабдан ташқари) тахминан икки ёки уч йил сарф бўлар ва ундан кейин талаба араб тили наҳвига (синтаксисига) оид “Қофия”нинг изоҳли талқини бўлиб, Абдураҳмон Жомийнинг машҳур асари – “Шарҳи Мулла” номли катта китобни ўқишга киришарди. Талаба “Шарҳи Мулла”ни асосан “дарсхона домласи” дейилган бирор каттароқ мулланинг олдида ўқир ва бу дарсга беш йил сарф бўларди”.[111] Бундан кўринадики, Бухоро мадрасаларида араб тили морфология ва синтакссиси қанчалик чуқур ўргатилган ва айни  жиҳати билан бу таълим даргоҳларининг шухрати нафақат амирлик, балки бошқа хонликлар ҳудудларида ҳамда Волга соҳилларида ҳам маълум эди. Бухоро мадрасаларида чуқур ўрганилган фанлардан яна бири мантиқ эди. Бу ҳақда “Эсдаликлар”да ўқиймиз: “Шарҳи Мулла” дарси тугагандан кейин, илми толиб дарсхонада мантиққа оид “Шамсия”нинг шарҳи бўлган “Ҳошия” номли китобни ўқир ва шу орада “кунжаки домла” олдида илми каломга оид бўлган “Ақоиди Насафий” номли китобчани ҳам ўқиб, ёдлаб оларди. “Ҳошия” дарсига бир йил сарф бўлиб, сўнгра дарсхонада Алломаи Тафтазонийнинг асари шарҳи “Ақоиди Насафий” дарси бошланар ва одат бўйича, бу дарсга тўрт йил сарф бўларди. Мантиқ ва илми каломга оид “Таҳзиб” китоби икки йил, ҳикмати табиий ва илоҳийга оид “Ҳикмат ул-айн” китоби ҳам икки йил ўқилиб, уларнинг ҳар иккаласига тўрт йил кетарди”.[112] Бухоро мадрасаларида ўқитилган айрим фан ва китоблар хусусий, шу таълим даргоҳигагина хос бўлмай, мусулмон

[111] Айний Садриддин. Куллиёт. ж.5.-166-б.
[112] Айний Садриддин. Куллиёт. ж.5.-166-167-б

дунёсидаги бошқа мадрасаларда ҳам ўргатилган. Аммо, бунда ҳар бир мадраса ва мударрис маълум маънода мустақил йўл тутган, ўз билим ва тажрибасига таяниб иш кўрган. Иккинчидан мадраса дастуридан жой олган китоблар (дарслик, қўлланма)га шарҳ ёзиш ҳам анъана тусини олган. Муайян билим ва мударрислик тажрибасига эга олимларгина шарҳ ёзиш учун ўз иқтидорини синовдан ўтказган.

Хаников маълумотларига кўра, Бухоро мадрасаларида илмнинг уч туридан сабоқ берилган бўлиб, булар қуйидагича: Шергиё, арабиё, хикмиё.[113]

Ушбу илмларни қуйидаги тартибда ўрганишади: дастлаб *Сарф илми* (морфология) ўқитилади, сўнгра *илми Наҳв* (синтаксис) ўқитилган. Талабалар "Қофия" китобига қадар ўқишгач, *Фиқҳ* йўналиши бўйича "Мухтасар" асарини ўрганишган. Араб тилига доир *Илми Аруз* ўқитилган, Ҳикмиё йўналиши бўйича эса *Илми Мунозара* ўтилган.

Юқоридаги асарларнинг моҳияти, мазмуни ўзлаштирилгач, *Мантиқ* илмининг икки китоби ўқитилган ва у ўзлаштирилгач, *Илми Калом*нинг дастлабки иккита китоби ўқитилган. Шундан сўнг, *Мантиқ* илмининг қолган икки китоби ўқитилган, шу билан бир вақтда *Фиқҳ*нинг дастлабки китоби "Тахзиб" билан бирга ўқитилган. Сўнгра "Ҳикмат ул-айн" баён этилган, ундан кейин *Илми-Калом*нинг учинчи китоби билан бир вақтда *Фанни Манъон*, *Фанни баён* ва *Илми Бадеъ*, *Фиқҳ*нинг учинчи китоби ҳам ўтилган.

Сўнгра *Усули Фиқҳ* ўтилган бўлиб, унда *Фиқҳ*га оид учинчи китобнинг давоми ўқитилган. Юқоридаги илмлар ўзлаштирилгач, Ҳадис китоби билан бирга *Илми Фароиз* ва *Илми Қироат*, *Илми Ҳисоб* ўқитилган. "Қози ал-Байзовий тафсири" ўзлаштирилгач, курс ўз ниҳоясига етган.

Шу тариқа, Бухоро мадрасаларида ўтиладиган таълим йўналишлари кўп бўлиб, 137 асар илми толиблар томонидан ўзлаштирилган.[114]

---

[113] Хаников Н. Описание Бухарскаго ханства. –СПб: Императорской Академии Наукъ, 1843. 206-223 бетлар.

[114] Хаников Н. Описание Бухарскаго ханства. –СПб: Императорской Академии Наукъ, 1843. 206-223 бетлар.

Хаников фикрича, дастлаб болалар Мактабхоналарда олти-етти йил лавҳ олдида муккасидан кетиб, арабча ўқишни ўрганиб олади-ю, илмнинг бошқа соҳалари тўғрисида ҳеч қандай тушунчага эга бўлолмайди. Ўқиш муддати беҳудага ўтади. Олти-етти йил мобайнида шогирд ҳатто мукаммал хат ёзиш малакаларини ҳам тузукроқ ўрганиб ололмас эди. Олий таълим маскани бўлмиш Мадраса таълими бошланғич таълимда йўл қўйилган хато ва камчиликларни умуман тўғирламайди. Бошланғич таълимда ҳеч нарсани тушунмай, фақат ёд олиш таълими, мадрасада эътиқод ва диний қарашларни мустаҳкамлаш орқали давом эттирилади. Илми толиблар мунозара ва муноқашалар воситаси билан Қуръондаги сура ва оятларни талқин қилиш ва шарҳлашда маҳорат орттирардилар. Шунинг учун мадрасани битириб чиқаётган толиби илмга, унинг Қуръондаги сура ва оятларни асосли равишда талқин қила билишига қараб баҳо бериларди. Ҳамма фожеа масалага танқидий кўз билан қарамасдан, кўр-кўрона эътиқод қилишда, деб билади. [115]

Садриддин Айний, Муҳаммад Саид Балжувоний, Муҳаммад Шарифжон Садри Зиё ва Н.Хаников маълумотларидан келиб чиқиб, Бухоро мадарасаларида асоан 10 та фан ўқитилган. Бу 10 фан қуйидагилар эди:[116]

1. Мўъзий – Занжонийнинг (ХИИИ аср) “Тасрифи Занжоний” асари, араб тили сарфи ҳақида.

2. Абу Амир Усмон ибн Умарнинг (ХИИИ аср) “Кофия” асари, араб тили синтаксиси.

3. Абдураҳмон Жомийнинг (ХВ аср) “Фавойд ул–Зиёия” (“Шарҳи Мулло”) асари араб тили ҳақида.

4. Шайх Қутбиддиннинг (ХВИ аср) “Шарҳи “Фавойд ул–Зиёия” асари, араб тили ҳақида.

5. Абу Ҳафс Умар ибн Аҳмад ан-Насафийнинг (Х аср) “Ақойиди Насафий”, ислом дини қоидалари ҳақида.

---

[115] Ўша асар. 223-бет.

[116] Абдурауф Фитрат маълумоти. Қаранг: Фитрат. Мунозара. Танланган асарлар, 1 жилд. Т.:Маънавият, 2000. – Б. 56.

6. Шайх Садрийнинг (X аср) “Ҳикмат ул-айн” асари, мантиқ ва ислом ақоиди ҳақида.

7. Шайх Мулло Жалолнинг (X аср) “Мулло Жалол” асари, ақоид ҳақида

8. Исмоил Бухорийнинг (ИХ аср) “ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ” асари, ҳадислар тўплами.

9. Юсуф Байзавийнинг (ХИ аср) “Тафсир ул-Қуръон” асари, қуръон шарҳи.

10. “Ҳошия” (Шарҳлар) китоби. Ақоидларга берилган изоҳлар.

Мадрасалардаги таълим 18-19 йилдан кўпроқ давом этиб, толиби илмлар йиллар бўйича алоҳида фанларни ўрганишган. Бу фанлар қуйидагилардир:

Биринчи йили Абд ул-Карим ибн Ҳусайн ал-Андижонийнинг“Аввал илм”, ”Бидон”, Ҳафтияк ўқитилиб, бу китоблар 1910 йил Қозон шаҳрида нашр этилган. Иккинчи йили эса Изз уд-дин Занжонийнинг “Мўъзий–Занжоний”асари ўқитилиб, асар Бухоро, Тошкент, Қозон шаҳарларида нашр қилинган. Учинчи йили Абу Амир Усмон ибн Умарнинг “Кофия”асаридан таълим олганлар. Китоб Бухоро, Тошкент, Қозон каби шаҳарларда нашр этилган. Тўртинчи йили “Шарҳи Жомий” ва “Ал-Марфуъот”, Бешинчи йили “Ал-Мажрурот”, Олтинчи йили “Ал-Мансубот”, Еттинчи йили “Ал-Мабниёт”, Саккизинчи йили “Ҳамд” ва “Баҳси исм” фанлари ўқитилиб, бу китоблар Бухоро, Тошкент, Қозон каби шаҳарларда нашр этилган. Тўққизинчи йили Қутб ид-дин “Қутбиёт” китоби ўқитилиб, бу китоб Бухоро, Тошкент, Қозон, Ҳиндистон, Туркия босмахоналарида нашр қилинган. Ўнинчи йили Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ан-Насафийнинг “Ҳамди ақойид” Ақойиди Насафий дарслиги, ўн биринчи йили эса “Баъд”, ўн иккинчи йили “Самоа” ўқитилган, ўн учинчи йили “Ҳақойиқ ул-ашйа”, ўн тўртинчи йили “Ҳамди таҳзиб”, ўн бешинчи йили “Таърифи илм”, ўн олтинчи йилида “Ал-ҳикмат”, ўн еттинчи йилда эса “Ал-вужуд” ўқитилган, ўн саккизинчи йили Мулло Жалолдан “Йаман ваффаққана...”, ўн тўққизинчи

йили Мулло Жалолдан “Сатафтариқ”, “Саҳиҳий Бухорий”, ”Тафсири Байзавий”лардан таҳсил кўришган[117].

Бундан ташқари мадраса талабалари Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон»и, Ҳофиз Шерозийнинг асарлари, Жомий ва Навоий, Фузулий, Бедил, Сўфи Оллоҳёр каби бошқа адиб ва мутафаккирларнинг асарларини ўрганганлар, улардан нусхалар кўчирганлар. Энг етук олимлар Бедил фалсафаси ва иймон масалаларидан сабоқ берганлар. Бироқ мадрасаларда биз ўрганган даврда асосан диний билимларга аҳамият берилган. Дунёвий фанлар, табиий ва аниқ фанлар ўрнига кўпроқ тажрибага асосланган билимларни бериш расм бўлган. Схоластика, иймон, ибодат ва шариат нормаларининг жузъий масалаларига бағишланган асарлар ҳам шу даврда кўпайганини, илмий баҳс ва мунозаралар жуда содда ва жўн бўлиб кетганини Фитрат ўзининг «Мунозара» ва «Баёноти сайёҳи ҳиндий» асарида таъкидлаб ўтган.

Бухоро амирлигининг маънавий, ҳамда илмий муҳитида мактаб ва мадрасалар алоҳида ўрин тутган. Мадрасаларда талабалар Қуръон, тафсир, фиқҳ, шариат асослари (усул), диний-ахлоқий адабиётларни, тарих, фалакиёт, мантиқ, фалсафа, ҳандаса ва бошқа фанларни ўрганишган. Лекин бу даврда мадрасаларда диний-ахлоқий таълим (илми адён) беришга асосий эътибор қаратилиб, дунёвий таълим (илми абдан) бериш бир қадар орқада қолган эди.

## ИИ.2. ХИХ асрнинг иккинчи ярми ва ХХ аср бошларида таълим тизимидаги ислоҳотлар.

ХИХ аср охири ХХ асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган бошланғич мактаблар ўз иш тартиби, ташкил этилиши ва даражасини сақлаб қолган эди. Мактаблар халқнинг саводини чиқариш, араб имлосида ўқиб ёзишни, арифметик ҳисобни ўзлаштиришга ўргатувчи маскан

[117] Ёвкочиев Ш.А. Традиции религиозного образования в Узбекистане. Исламские ценности Центральной Азии: толерантность и гуманизм. Историко-философские и культурные аспекты./ Материлаы Международной научной конференции. Т., 2008. – С.140-145.

сифатида бу даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Мактабларнинг ўқув дастури бошланғич диний таълим, ислом асослари, диний ибодат, ахлоқий тарбияга йўналтирилган, атроф-муҳит, жамият ҳақида ҳам тушунчалар берган. Аммо мактабхоналардаги таълим усули, уларнинг кўпчили хайрия ҳисобидан ёки хусусий ва жамоат маблағлари асосида иш юритиш ва давлат томонидан таъминламаганлиги, ўқув дастурида дунёвий билимларга эътиборсизлик, ўқитувчиларнинг билими етарли эмаслиги уларни замон талабларига ҳамоҳанг бўлишига имкон бермади.

Бухоро амирлигидаги бошланғич маълумот тизими ўзининг мазмуни ва услуби жиҳатидан бир қанча камчиликларга эга эди. Дарҳақиқат, бошланғич мактаблар замон талабидан орқада қолган, ўқитиш усулининг самараси паст эди. Анъанавий мактаблардаги муаммолардан яна бир ўқитувчиларнинг мактабда таълим олаётган ўқувчиларга нисбатан бир хил муносабатда бўлмаслигида эди. “Мусулмон мактабларида таълим” деб номланган мақолада: “Мактабларда дарс берадиган муаллимларнинг баъзилари бой кишиларнинг болаларини алоҳида диққат – эътибор билан ўқитадилар. Чунки бунга сабаб бойлар ўша муаллимларга катта-катта ҳадялар бериб туришади.Камбағал, фақирнинг болаларига эса деярли эътибор бермас эдилар. Бинобарин, бой кишининг боласини 2-3 йилда ўқиш ёзишни биладиган қилишса, фақр болалари 5-6 йилда ҳам “ҳафтияк”дан чиқмай, шу муддат ичида 4-5 та “ҳафтияк”ни йиртиб, дарсдан қочиб кетардилар”[118]-деб таъкидланган.

Мактабларнинг ҳолати ҳам замон талабига жавоб бермас эди. Уларнинг моддий жиҳатдан таъминланмаганлиги ҳақида Туркистон ўлкасининг мактаб ва мадрасалар бўйича махсус инпектори В.П.Наливкин 1901 йилда қайд этишича: “Анъанавий мактабларда мактаб учун қурулган махсус бино деярли йўқ. Аксари мактабларнинг машғулоти масжидларда ёки тоғриданъtўғри масжиднинг айвонларида ёхуд масжид ҳузуридаги ҳужрада ўтказилади, чунончи: текширилган 142 та мактабдан 109 таси масжидларда, 27 таси

[118]Туркистон вилояти газетаси. 1906.28 март. №13.

мактабдорлар уйида, 5 таси мозорлар ҳузурида ва қорихоналарда бўлиб, фақат битта мактабнинг махсус қурилган биноси бор”[119]. Демак, ўлка инспектори томонидан таҳлил этилган мактабларининг уйида, 3,5 фоизи эса мозор ва қорихоналарда , бор йўғИ 0,8 фоизигина махсус бинода бўлган. Бухоро амирлигида ҳам аҳвол бундан яхши эмас эди.

Мактаблхоналарнинг кўпчиги махсус биноларига эга эмаслиги боис уларнинг санитария-гигиена ҳолати ва бошқа шарт-шароит ҳам талаб даражасида бўлмаган[120]. Болалар ўқийдиган хоналар тор, ёруғлик етарли даражада эмас , деразалардан ёруғлик тушмас, айрим ҳолларда уларнинг ўрнини кичкина туйнук, айрим ҳолларда уларнинг ўрнига кичгина туйнук бажарар, хонанинг ичкариси заҳ, қишда совуқ бўлар эди[121]. Абдурауф Фитрат бошланғич мактабдаги бу ҳолатни ўз хотиралари асосида шундай таърифланган: “Талабалар ўн йиллик қоронғухона андуҳини чекиб зах ҳавода ёки ноқулай шароитдаги жойларда ўтириб, сабоқ оладилар[122].”

Садриддин Айнийнинг анънавий мактаб ҳақидаги хотираларда ҳам “мактабнинг деразасидан” дарсхонага ҳеч бир ёруғлик кирмас эди деб таъкидлаганлиги бежиз эмас эди[123]. Мактабхоналарда болалар буйра ёки похол устида чўкка тушиб, домлага қараб ўтирган[124], хонанинг икки томони ва пойгак томони бўйлаб узун тахталар қўйиб қўйилган. Китоблар ана шу тахталар устига қўйиб ўқилган, болалар тутун ичида олдинма – кейин йўтала-йўтала “сабоқ ўқиган”.Ўтин кўмир хонанинг бир бурчагида турган[125].

Мактаблардаги муаммолардан бири тартиб – интизомнинг бўшлига намоён бўлар эди. Мактабга одатда болалар уйларида нонушта қилиб бўлганидан кейин келиб, эшик олдида то домла келгунча, турли ўйинлар билан оввора бўлганлар. Ўқувчиларнинг танаффус ва бўш вақтлари эътиборсиз қолдирилган.

[119]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат, 601-иш.153-вараы.
[120]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат, 333-иш.23-вараы.
[121]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат, 66-иш.93-вараы.
[122]Фитратм А.Мунозара // Шары юлдузи, 1997.№1.149-бет.
[123]Айний С. Эски мактаб.140-бет.
[124]Щз МДА. 1010-фонд, 1-рщйхат, 66-иш.16-вараы.
[125]Абдуллаев Й. Эски мактабда хат-савод щргатиш.24-бет.

“Мактаб ва мадрасалари бўлмаган, ёҳуд бўлуб-да низом ва тартибга қўйилмаган миллатнинг ҳоли паришон, мозийси барбод ҳамда истиқболи қоронғу ва умидсиз бўладур.Булардан ҳеч бириси тартиб ва интизомлик эмас”- деб ёзган эди “Ойина” журнали[126].Ушбу сўзларнинг муаллифи муаллим Ниёзий Ражабзода Бухоро мактабларининг замон талабига жавоб бера оламай қолганидан афсусланиб, уларни ислоҳ қилишга даъват этган.

ХИХ аср охири ХХ асрнинг бошларида Бухородаги мактабларда ўқитиладиган усул “усули қадим” деб аталиб, унинг асл моҳияти “ҳижо”лаб, (ҳижжалаб) яъни бўғинлаб ўқишдан иборат эди. Ҳижо усулида ўқишга ўргатиш *биринчидан*, механик равишда бўлиб, айни бир нарсани қайта-қайта айтишга мажбур қилинган; *иккинчидан*, бола ўзи айтган сўзининг маъносини сира билмай, мактабдордан (домладан) эшитганини такрорлаш берган; *учунчидан,* бундай усулда ўқишга ўргатиш учун жуда кўп вақт кетган.

“Ҳафтияк”ни ўрганган ўғил болалар, уни асосан механик тарзда қайта-қайта айтиш билан ёд олишар, баъзан болалар уни бутунлай тушунмасдан ёд олишар[127], ҳатто айрим домлалар ҳам унинг маъносини тўғри ва йўла тушунтириб беролмас эдилар[128]. Шоир Ғагур Ғулом ёзганидек, 16 йилда ҳам “Ҳафтияк”дан чиқмаган йигитлар бўлган.Ҳафтиякхонлик шу қадар оғир бўлганки, ҳар бир бола ўнлаб “Ҳафтияки шариф” китобини йиртиб, ишдан чиқарган[129].

Бошланғич мактабда амалда бўлган таълим усулининг энг катта камчилиги-ўқитиладиган китобларнинг ўз она тилдида бўлмаганлиги, яъни араб тилида бўлгани эди[130]. Ўқувчилар учун ўз она тилида ёзилган китоблар яратилмаган бўлиб, араб тилидаги китоблардан бир парчани эркин ўқиб айтиб бера олмас, маъносини тушунтира олмас эдилар[131]. Бухородаги бошланғич мактаблардаги кўзга кўринган камчиликларини яна бири –таълим

---

[126]НиёзийРажабзода.Ибтидоиймактабларимизнингтартибсизлигиёхудтараыыийнингйщли //Ойина,1914.№38.
[127]Щз МДА. 47-фонд, 1-рщйхат, 333-иш.15-вараы.
[128]Туркестанские ведомости.1898.8 август№32.
[129]ЬуломЬ. Танланган асарлар.Тошкент,1953. 6-бет.
[130]Щз МДА. 1010-фонд, 1-рщйхат, 66-иш.92-вараы.
[131]Наливкин В. Школа у туземцев Среднеё Азии // Туркестанские ведомости.1898.8 август.№32.

жараёнида дунёвий билимлардан сабоқ бермаслик эди. Абдурауф Фитратнинг “Мунозара” номли асарида таърифланишича, ўқитувчи ҳатто география фани нимани ўрганишини, қандай фан эканлигини ҳам билмаган[132].

XX асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган бошъланғич мактаблар давр талабига жавоб бермай қолди.

Россия билан Бухоро амирлигининг иқтисодий ва сиёсий алоқалари натижасида мамлакатга капиталистик муносабатлар аста – секин кириб келди. Айниқса, савдо-сотиқни ривожлантириш учун Бухоро сармоядорларига билимли, ҳисоб-китобни биладиган, янгича фикрлайдиган ёш мутахассислар керак эди. “Садойи Туркистон” газетаси саҳифаларида бухоролик М.З.Мирзозаданинг “Илм ва маориф” деб номланган мақоласи эълон қилининг, муаллиф томонидан Бухородаги илм-фаннинг ҳақиқий ҳолати таҳлил этилади. “XX аср- таълим, фан ва теҳника асридир. Ҳеч бир миллат, халқ фан ва таълимни тараққий эттирмасдан ривожлана олмайди. Айнан, мана шу фан ва таълим инсоннинг дин миллат, она- Ватанни танишида муҳим рол ўйнайди”- деб ёзади[133] Мирзозода. “Ойина” журналида эса шундай дейдилар: “Бул асрни 20аср дерлар. Бул аср бул аҳволда турмоқ боси инқироздир. Ул, асри тараққийдурки, тик турмоюб ғайрат этганни яшатар ваилло маҳв этар. Эндиликда фақат улум ва маорифнинг ривожига саъй ва қўшиш айласак, яъни ўқисак, ҳар иш бўлур. Бу аҳволдалигимизнинг асли билимлигимиздиндур. Бас бунинг иложи Оқимоқ! Ўқимоқ! Ўқимоқдур!”[134]

Бухоро ва Чор Россиясининг ўзаро муносабатлари барқарорлашиб броган сари маҳҳалий сармоялар, амалдорлар, зиёлилар Москва Петрбург, Нижний Новгород каби Россиянинг йирик саноат ва маданият марказларига, Европа шаҳарларига, Туркия ва бошқа мамлакатларга кўпроқ сафар қилиб, у ердаги юксак тараққиётнинг (Бухорога нисбатан) шоҳиди бўлдилар. Улар бу

---

[132]Фитратм А.Мунозара // Шары юлдузи, 1997.№1.118-бет.
[133]Мирзозода М З. Илм ва маориф // Садои Туркистон, 1914.18 июл.
[134]Шамсий П. улум ва маориф // Ойина, 1915.№8.

ютуқларга дунёвий билимларга бўлган катта эътибор, янгича ўқитиш тизими туфайли эришилмаганлигига ишонч ҳосил қилидилар.Масалан, Мирзо Сирож Ҳаким 1902-1909 йиллар сафаридан қайтганидан бошлаб жадидчилик ҳаракатида фаол равишда қатнаша бошлаган. Мирзо Сирож сжет элларда у ердаги таълим тизимини, хусусан мактаб таълимини жуда яхши ўрганади, Бухороги анъанавий таълим билан таққослайди: "Европада мактаб ва мадрасаларни кўриб ёдимга ўзимиздаги мактаб ва мадрасалар келди, эсладимки юрагим ғам ва афсусга тўлди. Нега бизни миллатимиз илмни шунча хор қилиб, унит арк этади.""Эрон уломолари илмга ва саънатга ғайратли, исштиёқли бўлиб ҳамма шаҳарларида мактаблар очган. Теҳронда жадед анъанавий мактаблари, дорулмуаллимин, дорулфунун, сиёсий мадраса, ҳарбий мадраса, тиббий мадраса мавжуд. Муаллимлари Фарангистонда таълим олишган"[135]. Мирзо Сирож анъанавий мактабларини, европача таълим-тарбияни бухороликлар учун қанчалаик аҳамиятли ва зарурий эканлигини тушунтиришда, тарғиб этишда жонбозлик кўрсатган.

Абдурауф Фитрат Бухорода таълим тизимида ислоҳатнинг амалга оширилиши зарурлигини қуйидагича таъкидлайди: "Дарс бериш усуллари хароб аҳволда. Замонавий эҳтиёжлар тақозосидан воқиф бўлган ўқитувчиларга эга эмасмиз.Бухоро ҳукуматидан умидворлигимиз шулки, мактаблар ислоҳини бизнинг нуқтаи назардан бошласалар. Акс ҳолда бу мул ҳолига вой, бу миллат толеъига афсус!"[136].Абдурауф Фитрат кенг халқ оммаси ўртасида илм-маърифат тарқатишда жонбозлик кўрсатди. У халқининг саодатига эришувини илм-маърифат ва мактаб-маорифда деб билди. "Ҳаёт йўлида биринчи масала- мактаб масаласидир" – деб ёзган эди Абдурауф Фитрат[137]. Ушбу соҳани ислоҳ қилишнинг тарафдори бўлган Фитрат ўз фикрини қуйидагича баён этган эди: "Бундан баён ҳозирги ислоҳ эканмиз, ҳаёт муфазаси, миллият шарафимиздан озиж қоламиз"[138].

---

[135]Мирзо Сирожиддин Ъаким.Тухафи аъли Бухоро.(Сафарнома). Душанбе: Адиб, 1992.84-85-бетлар.
[136]Фитрат А. Бухоро ъукуматининг ислоъкорона ыадамлари // Ойина, 1915.№8.
[137]Ъуррият газетаси, 1917.№7.
[138]Бухоро ъукуматининг ислоъкорона ыадамлари //, Ойина, 1915.№8.

1914 йилда “Ойина” журналида “Дунёда мавжуд миллатлар тараққийни ибтидой мактабдан бошларлар. Ҳақиқатдан, тараққий ва таола учун биринчи йўл ва асос мактабдур. Мактаб ислоҳ қилинса умум ишлар ислоҳ ва тартибга кирди, деб бўладур”- деб ёзган эди Бухоролик муаллим Ниёзий Ражабзода[139].

ХИХ аср охири ХХ асрнинг дастлабки йилларида Бухоро амирлигида фаолият кўрсатган бошланғич мактаблар ўз иш тартиби, ташкил этилиши ва молиявий хўжалик таълимоти жиҳатидан нисбатан тараққиётдан орқада қолган эди. Аммо мактаблар халқнинг саводини чиқариш, араб имлосида ўқиш ва ёзишни, арифметик ҳисобни ўзлаштиришга ўргатувчи маскан сифатида бу даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмади. Афсуски мактаблардаги таълим усули, уларнинг моддий-молиявий таълимоти, ўқув дастурида дунёвий билимларга эътиборсизлик, ўқитувчиларнинг билими етарли эмаслиги уларни замон талабларига ҳамоҳанг бўлишига имкон беради. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг сабоқларини ўзлаштирш жараёни қатъий талаб этилмаган ва назорат қилинмаган, шу сабаби хоҳиши ва қобилияти кучли о;қувчиларни ҳисобга олмаганда, мактабларда таълим жараёни 10 йилгача чўзилиб кетган. Шунинг учун ҳам мактаб тизими тубдан ислоҳ этиш ғояси ғояси кун тартибидаги муҳим вазифа бўлиб қолган эди.

Европа ХВИИИ-ХИХ асрларда техника тараққиётига йўл бериб, ХХ аср маданияти ва турмуш тарзи учун мустаҳкам пойдевор яратган эди. Осиё, жумладан, Туркистон, илм-фан амалиёти ва техника тараққиётидан орқада қолиб кетган эди. Ўзбек хонликлари (Бухоро, Хива, Қўқон) ўртасида мунтазам давом этиб келган низолар охир-оқибатда уларни заифлаштириб, Россиянинг бу хонликларни босиб олиб, жаҳолат ва иқтисодий-маданий таназзулни янада чуқурлаштириб юборди.

Рус мустамлакачиларини Туркистондаги кенг тармоқли халқ маорифи ўчоқлари: мактаблар ва мадрасалар жуда хавотирга солган эди. Чоризм руслаштириш сиёсатин айнан шу соҳадан бошлаш кераклигини англаб, ўз

---

[139]Ниёзий Ражабзода. Ибтидоий мактабларимизнинг тартибсизлиги ёхуд тараыыийнинг йщли //Ойина,1914.№38.

дастурини ишлаб чиқишга киришди. Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори К.П.фон Кауфман бу соҳада, айниқса, жон куйдириб фаолият кўрсатди. Унинг бу соҳадаги ишлари беҳуда кетмади. 1880 йилда Империя Давлат Кенгашида Туркистондаги маҳаллий аҳоли болаларини руслар билан биргаликда ўқитиш масаласи кўрилганда Туркистон аҳолисининг "савдо-сотиқ, деҳқончиликда суяги қотганлиги ва ювош табиати" таъкидланиб, уларнинг "империя"даги бошқа мусулмонлардан кескин ажралиб туришлари" қайд этилди.[140] Империя Давлат Кенгашининг 1880 йил феврал ойидаги қарори Туркистон генерал-губернатори К.П.фон Кауфман томонидан қизғин қўллаб-қувватланди ва руслаштириш сиёсатининг янги бир жабҳаси халқ маорифига қаратилди.Кауфман "руслар ва туземецлар болаларини биргаликда тарбиялаш" масаласини кўтарди. У "мусулмон ва рус мактабларининг ажралиб туриши" иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан зарарли деб ҳисоблади. Бу ғояни Кауфманнинг издоши лейтенант Н.О.Розенбах давом эттирб, ибтидоий турдаги бошланғич мактаблар – "рус – тузем" мактаблари тармоғини яртиш лойиҳасини ишлаб чиқди. 1884 йилда Тошкентда биринчи рус-тузем мактаби очилди.

Жадидлар чоризмнинг мустамлака сиёсати стратегиясига жиддий заифлантирувчи ўзгаришлар қилишга мажбур этувчи ватанпарвар сиёсий куч сифатида айни шу XX аср бошида тарих саҳнасига чиқа бошладилар. Жадидлар X1X асрнингохирида пайдо бўлган илғор усулларни ёқлаган маърифатпарварларгина бўлиб қолмай, айни чоғда, туркий-исломий ҳуқуқий мероснинг миллат ичида кенг ёйилиши, ҳурфикрлилик, тараққиёт ва миллий истиқлол учун ҳам курашишни мақсад қилиб қўйган эди.

Қолоқлик ва жаҳолат, ўлка аҳолисининг аянчли аҳволи Туркистоннинг Европа ва жаҳон цивилизациясидан орқада қолиб кетиши, Ислом ва шариатнинг оёқ-ости қилиниши ва бундай оғир фожеали ҳаётдан қутилиш, эрк ва озодликка эришиш ҳақида ўз замонасининг илғор зиёли қатламларида

---

[140] Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. –Т., 2000. 253- б.

фикр-мулоҳазалар пайдо бўла бошлади. Бухоро амирлигидан Туркияга бориб таҳсил кўраётган кўплаб зиёлиларда ўша мамлакатда амалга оширилаётган ижобий ислоҳотлар, илғор Европа турмуш тарзи, техника тараққиёти. Маданияти, маърифатидан таъсирланиш, унга ҳавас билан қараш, ўз ватанларида ҳам шу каби ўзгаришлар қилиш ҳис-туйғулари уйғона бошлади.

Жадидлар Бухоро амирларини ҳам ўз ғоя ва маслакларига тортишга ҳаракат қилдилар. Бухоро жадидлари 1900 йилда янги усулдаги мактаблар очишга рухсат олишга муваффақ бўлдилар. Аммо бундай янги усулдаги мактабларининг очилиши Россия манфаатига зид эди. Шу боис Россиянинг амирга бўлган таҳдиди ортиб кетди ва амир жадидларга тазйиқ ўтказишга мажбур бўлди. Бутун Ўрта Осиё бўйлаб очилган янги усул мактабларига қарши Россия мустамлакачилари ўт очадилар, бу мактабларни “исломга қарши”, “ғайридин мактаблари” деган ташвиқот юргиздилар, жосуслик идораларини ишга солдилар. Аҳвол шу даражага бориб етдики, бу борада кўплаб қурбонлар берилди. Рус маъмурлари бу пайтга келиб ислом динига ҳам қарши курашни кучайтириб юбордилар. Ҳатто, 1903 йили подшо Туркистон аҳолиси учун муборак Ҳаж қилишни ҳам махсус фармон билан ман этди. Бу маҳаллий мусулмон аҳолисида кучли норозилик уйғотди.

Тараққийпарвар ўзбек зиёлилари кенг халқ оммасини саводли қилишга, уларни жаҳолат уйқусидан уйғотишга интилиб, мактаблар очдилар. Бухорода 1900 йили Жўрабой қори томонидан янги усулдаги мактаб очилди. 1903 йили Маҳмудхўжа Беҳбудий ўз маблағи ҳисобидан Жомбойда мактаб очди. Жадид Ҳожи Муин ва Абдул Қодир Шакурийлар бу мактабда сабоқ бердилар. 1908 йили бундай мактабларни Мирза Абдулвоҳид ҳам ташкил қилди. Муфтий домулла Икром бу янги усулдаги мактабларни диний жамоат томонидан қабул қилинишига эришди.

Жадидчилик ғояларининг тарғиботчиси Исмоилбек Гаспиринскийнинг 1906 йилда “Таржимон” газетасининг 89-сонида “Хонларга хитоб” мақоласи эълон қилинади. Унга кўра: “Эй давлатлилар, идорангизда омонат қилинган Худо бандаларига бу кун, бу замонда қила оладиган бир хизмати олиянгиз

бор бўлса, у ҳам маърифат тарқатиш орқали мусулмонларни зиё нури билан зиёлантириш ишидир. Фуқаройи ислом сизлардан мол сўрамайди, ош сўрамайди. Дин Қуръондан, жон Худодан. Сиз, давлатли хонлардан аҳолига эҳсон қилинадиган нарса маърифат тарқатувчи, билим ва камолотга етакловчи олий даражалик маориф мактабларидир. Кўҳна мадрасалари кўп, Бухоройи шарифда... ҳозирги пайтда бирор “дорилфунуни исломия” таъсис қилиниши керак... Эй давлатлилар! Кечмиш замон ғафлати билан Мовароуннаҳр майдони сиёсатда мағлуб бўлиб, истиқлолини йўқотди. Бу замонда ғафлатда бўлинса, майдони иқтисод ва маишатда миллат мағлуб бўлиб, бунга сабаб бўлганлар дунё тургунча масъул ҳисобланадилар...” дея амир Абдулаҳадга мурожаат қилган.

Жадидларнинг мактаблари истиқлолчилар етиштирувчи маскан эканлигини рус маъмурияти яхши англади. Хусусан, мустамлака маъмурияти бу ҳаракатга қарши кучли рақобатчилик усулини ишга солиб рус-тузем мактаблари фаолиятини кучайтиришга қарор қилди. Мустамлака маъмурияти рус тилини ўрганишни тарғиб қилса ҳам ана шу тилни яхши ўзлаштирган ва руслар билан яқин алоқада бўлган маҳаллий миллат вакилларига шубҳа ҳамда ҳадик билан қараган.

XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро амирлигида 336 та мадраса бўлган. XX асрнинг иккинчи чораги бошларида совет ҳукумати томонидан мадрасалар диний муассасалар қаторида давлатдан ажратилган ва “хурофот ўчоқлари” тамғаси билан тугатиб юборилган.

1920 йилда Бухоро амирлигининг тугатилиши ва Шўролар ҳокимиятинг ўрнатилиши билан Бухородаги кўплаб мактабхоналар ҳамда мадрасалар ислоҳ қилинди. Жумладан бу даврда 50та мактабхоналар ташкил этилди.Турк ҳамда тожик талабаларга муаллимлар тайинланди. Мактабларнинг баъзиларини қуйида келтириб ўтамиз: Арки Олийдаги сиёсий-ҳарбий мактаб, Девонбеги ҳовузи олдида Олимхон имορати ёнида яна бир сиёсий мактаб, Дастурхончи ҳовузи лабидаги Холдорбекжон ҳовлисида ҳисоб ва қарз мактаби, шунингдек, “Турон тўдаси”, Авиёқулбек

девонбеги ҳовлисида саноат мактаби, Дастурхончи ҳовузи ёнидаги Тўраи Чўржўйи  Мир Муҳаммад Сиддиқ-Ҳашмат ҳовлисида мусиқий мактаб, Қози калон ҳовузи ёнида “Шамс ул-офарин”мактаблар  очилиб Фитрат бу мактабларга мудир этиб тайинланган.Шунингдек кўплаб ибтидоий мактаблар ҳам очилган. Мирзо Муҳаммад Назар ва Мирзо Улуғбек мадрасасини мактабхонага айлантирилган. Энг машҳур бўлган Кўкалдош мадрасаси “дор ул-фунун” (университет) номини олган. Турсунжон, Говкушон ва Абдуллахон мадрасалари “до рут-толибин” номи берилган. Бухоронинг 100 дан ортиқ олимлари ва мударрислари кўрсатилган мадрасаларда дарс бериб, давлат томонидан ойлик оладиган бўлишган. Мир Араб мадрасасига “дорил-мударрисин” деб ном берилган. Ҳар бир мадрасада иккитадан олим дарс  берган. Қори Йўлдош Каркий Вақф маркази раиси этиб тайинланган, барча мадраса ва масжидлар унинг ихтиёрида бўлган.[141]

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон мусулмонлари идораси ихтиёрида қолган бир нечта мадрасалар эса эндиликда фақат руҳонийлар тайёрлайдиган ўрта ва олий диний ўқув юртларига айлантирилган.[142]

[141]Муъаммад Али Балжувоний “Тарихи Нофеий”.Акадимия нашрёти Тошкент-2001й.75-77бетлар.
[142]ЩзМЭ. Давлат миллий нашрёти.Тошкент.376-377бетлар.

# Х У Л О С А

Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Маънавият бизнинг ўтмишимиз ва келажагимизни боғламоғи керак. Ота-боболаримизнинг ўтмишда нечоғлик юқори ўрин тутганликлари, инсонлар ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларида - тил, санъат, маориф, дин, ахлоқ, маиший ҳаёт ва бошқа соҳаларда тарих саҳнасида асосий ролларни ўйнаб, умуминсоний тараққиётга, инсоният маънавий дунёсининг ривожига катта ҳисса қўшганликлари маълум.

Мовароуннаҳрнинг фахри бўлмиш Бухорои Шариф ҳам ўзига хос чуқур тарихга эга. Бу шаҳардан етишиб чиққан олимлар бутун ислом оламига устозлик қилиб, Бухорога «Ислом динининг қуввати» деган шарафли номни келтиришган.

Ана шу шаҳардан туриб бошқариладиган марказий давлат тузишга эришган Манғитлар сулоласи вакиллари ижро қилган Бухоро амирлиги номи билан тарихда қолган салтанат ҳам қадим Бухоронинг, умуман, юртимиз тарихининг ажралмас бир бўлагидир. Бу амирлик тарихимиздаги энг сўнгги йирик давлат бўлиб, ХВИИИ-ХХ аср бошларидаги ижтимоий, сиёсий, маданий аҳволга, умуман, халқимиз маданиятининг ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатган. Бу давр Туркистоннинг Россия томонидан босиб олиниши жараёнини ўз ичига олганлиги билан ҳам хосланади.

Шундай мураккаб вазиятларда Бухоро амирлигининг давлат сиёсати, давлат бошқаруви, фуқаролик ишлари ва таълим тизимининг қандай даражада бўлганлигини, бир сўз билан айтганда, манғитлар сулоласи давридаги мактаб ва мадрасалар таълимини ўрганиш бизга сўнгги хонлик тарихини яққол намоён қилади. Ўша давр давлатчилигининг хусусиятлари тўғрисида аниқ тасаввур уйғотади.

Шу мақсадлардан келиб чиқиб, ушбу ишда, аввало, манғитларнинг Бухоро хонлиги сиёсий саҳнасига чиқиш тарихига назар ташлаб ўтишни лозим топдик. Ўрганилаётган даврдаги сиёсий, ижтимоий ва маданий муҳит

ҳақида маълумотлар бериб, мазкур вақтда тарихий-ижтимоий жараёнлар, сиёсий воқеалар қай ҳолатда бўлгани ва бу сулола сиёсатининг Марказий Осиёда илм-фан, маданият ривожига бўлган таъсирини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик. Бунда, асосан, маҳаллий тарихнависларнинг асарлари ўрганилди, амирликда илм-маърифат ўчоқлари бўлмиш мактаб ва мадрасалардаги таълим тизими аниқланди. Иш жараёнида битирувчи қуйидаги хулосаларга келди:

1. ХВИИИ-ХХ асрнинг бошлари Мовароуннаҳр тарихида ўта муҳим, эсда қоларли сиёсий воқеаларга бой давр бўлди. Бу давр аштархонийларнинг сиёсат майдонидан кетиши, Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг ўлкага истилочилик юришлари билан хосланади. Натижада манғит бийларининг аста-секин ҳокимиятни ўз қўлларига олиш учун қилган уринишлари муҳим сиёсий-тарихий жараёндир;
2. Манғитларнинг ҳокимият тепасига келишлари айрим манфаатдор ер-мулк эгаларининг манфаатларига мос келар эди. Мамлакатда тинчлик ўрнатилиб, марказлашган ҳукумат шаклланса, ўлкада савдогарчилик, ҳунармандчилик, деҳқончилик яхши ривожланар, бундан ер-мулк эгаларига анча-мунча даромадлар бўлар эди;
3. Шаҳрисабз, Бойсун каби баъзи бир бекликларда манғитларга нисбатан норозилик кайфияти доимо сақланиб турган. Шунинг учун амирликда қўзғолонлар бўлиб турган. Ҳатто пойтахт Бухоронинг ўзида ҳам Дониёл оталиқнинг сиёсатига қарши 1784 йилда катта қўзғолон кўтарилган;
4. Амирликда ижтимоий ҳолат, маданий-маърифий соҳага ҳам тўхталиб, ўша даврда яратилган манбалар асосида ёритиб беришга ҳаракат қилинди. Бухоро тарихнавислари, олимларининг номлари зикр этилди;
5. ХИХ аср иккинчи ярми- ХХ аср бошларида Бухоро амирлиги сарҳадларида илм-маданият ва шариат фанлари тараққий этган. Тафсир, ҳадис, фиқҳ, калом, усул, сарфу наҳв илмларидан иборат бўлган шариат илмлари Бухорода ривожланганлиги аниқланди;

6. Мактаб ва мадрасаларнинг Бухоро амирлиги илмий ва маданий муҳитида тутган ўрни кўрсатиб берилди;
7. Амирликда мактаб ва мадраса таълимида IX-X асрларда шаклланган таълим дастурлари ислоҳотларсиз давом этиб келганлиги аниқланди;
8. Ушбу таълим дастурларини ҳам тарихимизни ёритишга хизмат қиладиган маданий мерос сифатида излаб топиш, тадқиқ қилиш масалаларини ҳам имкон қадар ҳал этиш зарурияти долзарб муаммолардан биридир;
9. Бевосита «Бухоро Амирлигида таълим тизими»ни тадқиқ қилиш мобайнида мактаб ва мадрасаларнинг очилмаган қирралари жуда кўп эканлиги, бунинг учун чуқур илмга эга мутахассислар, катта маблағ ҳамда анча вақт талаб қилиниши маълум бўлди;
10. Ўрганилган вақф ҳужжатлари ўша даврда давлат тили ҳисобланган форс тилида тузилган. Лекин ҳужжатларда адабий жумлалар, оят ва ҳадислар ҳам учрайди. (Булар тахминан ҳужжатлардаги жумлаларнинг 10-15% ни ташкил этади). Матнлардаги форсий ва арабий жумлаларнинг жуда тўғри бехато тузилганлиги Бухоро амирлигининг шаҳарлари ва вилоятларидаги қозихона ва девонларда ўта саводхон котибларнинг фаолият олиб борганларини кўрсатади. Бу ҳолат ўрта асрларда Мовароуннаҳр мадрасаларида таълим-тарбиянинг ўта сифатли бўлганлигини таъкидлайди;
11. XX аср бошларида Туркистон халқ маорифи ривожида янги усул мактаблари муҳим ўрин тутган эди. Жадидларнинг янги усул мактаблари Туркистон халқ маорифи тизимида туб бурилиш ясади. Эски мактаблар ва мадрасаларда ўқув сифатини яхшилаш ва замон талабларига мос иш тутишга ҳаракат қилинганлиги ўрганилди;
12. Шу билан бирга мазҳаблараро ва динлараро ўзаро тотувлик, бағрикенглик ҳолатлари ҳам тадқиқот давомида кўзга ташланди. Масалан, Амир Абдулаҳад даврининг (1885-1910) сўнгги йилларида эътиқодига кўра шиа бўлган Остонақул Қушбеги ибн Муҳаммад Шариф Девонбегининг Қушбеги вазифасида ишлаши юқоридаги фикрга далилдир;

## Манба ва адабиётлар:


1. Беҳбудий Маҳмудхўжа Муфти. Бухоро хонлигига саёҳат // Ҳаёт ва иқтисод, 1990. – № 1.
2. Даниш Ахмад. Путешествие из Бухары в Петербург. Избранное. – Душанбе: Таджикгосиздат, 1960.
3. Дониш Аҳмад Махдум. Рисола е мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития. – Душанбе: Сарват, 1992.
4. Мирза Абдулазим Сами. Тарихи салотини манғитийа. (История манғитских государей). Перевод и примечания Л. М. Епифановой. – М., 1962.
5. Мирза Бадиъ Диван. Мажмаъ ул-аркам. /Факсимиле рукописи. Ввдение, перевод и примечание А. – Б. Вильдановой. – М.: Наука 1981.
6. Мирзо Салимбек. Кашкўли Салимий Таворихи муттақадимин ва муттаахирин. Форс – тожик тилидан Н. Йўлдошев таржимаси. – Бухоро, 2003.
7. Муҳаммад Али Балжувоний. Тарихи Нофеии.(Тожик тилидан таржима, сўзбоши ва изоҳлар муаллифлари Ш.Воҳидов, З.Чориев)-Тошкент.Академия, 2001,-94б.
8. Муҳаммад Али ибн Муҳаммад Сайид Балжувони. «Тарих-и нофеи». – Душанбе, 1994. 120-бет.
9. Мухаммад Ризо. Мунтахаб ул-луғат. // Қўлёзма. Ўз ФА ШИ, – №427. – Б. 77.
10. Назаров Филипп. Записки о некоторых народах и землях средней части Азии. // Русские путешественники в странах Востока. – М.: Наука, 1968. – 74 с.
11. Садр-и Зиё Муҳаммад-Шарифжон. Силсилаййи салотини манғитийа. Мажмуа./ Қўлёзма, ЎзП ФА ШИ, № 2193. 188$^{б}$ вар.
12. Садри Зиё. Асоми ал-кутуби китобхонаи хусусии Шарифжон Махдум.// Қўлёзма. Абу Райҳон Беруний номидаги ШИ.– № 2461.

13. Садри Зиё. Мажмуа // Қўлёзма. Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти, № 2193.

14. Садри Зиё. Набзе аз гузоришоти аҳволи бандаи шикастабол ал-мутахаллис ба Зиё Мирзо Муҳаммад Шариф. // Қўлёзма, Абу Райҳон Беруний номидаги ЎзР ФА ШИ, № 1304/ИИИ, 145 в.

15. Садри Зиё. Рўзнома // Қўлёзма, Абу Райҳон Беруний номидаги Ўз ФА ШИ, № 2277,50-б, 52-б вв.

16. Садри Зийаъ Шарифджан Махдум. Тазкори ашъāр. Мусаҳҳиҳ С. Садики. Ба кушиши Мухаммаджан Шукуров. - Тихрон: Суруш,1380(2002).

17. Тамкин Абдураҳмон Бухорий. Матолиъ ал-фохира ва матолиб ат-тариха.// Қўлёзма. Ўз ФА ШИ фонди № 8245.

18. Убайдуллохон. Девони Убайдий, УзФАШИ, иив № 8931. – Б. 695.

19. Фитрат А. Танланган асарлар. ИИ жилд.238–240–бетлар.

20. Фитрат А. Ҳиндистонда бир фаранги ила бухоролик мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси // Шарк юлдузи, 1997. – № 1.

21. Фитрат. Давраи ҳукмронии Амир Олимхон. – Душанбе, 1991.

22. Фитрат. Оила.Т.:Маънавият, 1998, 2000. – 180.

23. Фитрат. Раҳбари нажот. Т.:Маънавият, 2000. – 182 б.

24. Фитрат. Танланган асарлар. 5 томлик.

